БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 189 (4288)
19 АВГУСТ 1980 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• *Меҳнат семестри—80*

ОТРЯД ТОПШИРИҚНИ БАЖАРДИ

Тошкент Давлат медицина институтининг биринчи даволаш факультети «Гвардиячи» қурилиш отряди меҳнат семестрида арзигули ютуқларни қўлга киритди. Командир Х. Холиқов, комиссар Н. Таланий бошлиқ 50 кишилик отряд жангчилари «Таштрансспецстрой» трести 72-қурилиш бошқармаси Чилонзордаги барпо этилаётган гемотология институти ётоқхонаси ва янги ТошМИдаги қурилишда 35 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришни зиммага олган эдилар. Улар ҳозиргача 70 минг сўмликка ишни бажаришди.

Отряд аъзолари учта бригадага бўлиниб, бир нечта объектларда меҳнат қилиб, кундалик нормаларини ортиғи билан бажаришди. Уларнинг меҳнати билан кўзга кўринган Н. Сўпиев, О. Ғафуров, О. Тоҳиров, Ш. Шособитов ва бошқалар қурилиш ишларини анча жадаллаштирдилар.

Отряд институтнинг 60 йиллик тўйини меҳнатда муносиб армуғон билан кутиб олмоқда.



Тошкент абразив комбинатининг кўпгина пешқадам ишчилари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиб, ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишяпти. Ремонт-механика цехининг токари Рустам Мустафоев ана шулар жумласидандир. Корхонанинг ветеран ишчиси ўзининг фидокорона меҳнати билан кўпчилик ҳурматига сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: Р. Мустафоев.

М. Нуриддинов фотоси.

● ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

Квартал чирой очмоқда

Пойтахтимизнинг Киров районидаги «Марказ—6» квартали кун сайин гўзаллашиб бораяпти. Ҳозир бу ерда Тошкент қурилиш трести бошқармасига қараши 159-қурилиш трестининг 9-қурилиш бошқармаси илғор бригадаларидан Ринат Гайнудин бошлиқ коллектив тўқиз қаватли ўт ўчириш хизмати комплекси қурилишини олиб бориш-япти. Бу бино кварталнинг Ленин проспектига ўзига хос кўркамлик бахш этиб турибди. Ҳозир қурувчилар объектни пардозловчиларга топшириш учун иш суръатларини авж олдиришяпти.

Яқинда шу проспектда янги «Универсам» магазини қурилиши ҳам ниҳоясига етказилади. Ҳисоблаш-кредит техникуми талабалари учун 400 ўринли янги ётоқхона, тамаки фабрикаси учун кўп қаватли ишлаб чиқариш корпуси, иккита болалар боғчаси ва бошқа объектлар ҳам фойдаланишга топширилгач улар кварталда илгаридан қурилган бинолар билан бир бутун ҳолда ягона меъморчилик ансамблини ташкил этади.

11-«Висотстрой» трестининг 1-қурилиш бошқармасига қараши П. Попов бошлиқ бригада бунёдкорлари эса кварталда Ўзбекистон ДОСААФ марказий уйи қурилишини олиб боришяпти. Ҳозир объектда пардозчилар ҳам иш олиб боришяпти. Бригаданинг Ю. Яковлев, Д. Югай каби илғор қурувчилари бу муҳташам бинони Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги байрамига қадар фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

Келгусида кварталнинг Ленин ва София проспектлари билан туташган қисмида кўплаб замонавий, кўркам бинолар қад ростлайди. Улар микрорайонга такрорланмас қиёфа бахш этади.

С. СУЛТОНОВ.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИДА ЗАРБДОРЛАРЧА ИШЛАЙЛИК

Тошкент метрополитени биринчи йўналишининг иккинчи участкаси фойдаланишга топширилди

Янги станциялар, янги трассалар

РЕПОРТАЖ



Мана, ниҳоят орзиқиб кутилган кун етиб келди. Метросозлар бундан уч йил муқаддам Тошкентда Ўрта Осиёдаги биринчи ер ости йўли фойдаланишга топширилаётганда бу ер ости трассасининг давомини ташкил этувчи иккинчи участкани 1980 йилнинг август ойида фойдаланишга топширишга аҳд қилган эдилар. Мана бугун улар ўз сўзларининг устидан чиқиб, Инқилоб хиёбонидан М. Горький майдонигача бўлган уч станция ва 4,2 километрли ер ости йўлидан иборат метро трассасини ишга туширдилар.

Бугун ўзларининг фидокорона меҳнати самараларини кўриб завқланаётган кўпсонли метросозларгина эмас, бу унутилмас дақиқаларни орзиқиб кутган минг-минглаб тошкентликлар ҳам беҳад хурсанд. Улар оловқалб метро қурувчиларни, азамат бунёдкорларни катта меҳнат галабаси билан қутлаб дил сўзларини изҳор этишмоқда. Янги участкани қабул қилиб олган В. И. Ленин номли Тошкент метрополитенининг машинист-инструктор-лари, оператор ва мутахассислари, ҳаракатдаги составлар электр депосининг турли хизмат бўлинмалари мутахассислари ҳам ер ости йўли узайганлигидан жуда хурсанд. Негаки, улар ҳам бу кунга катта тайёргарлик кўрдилар.

— Янги линия учун Москвадаги Митишчи вагонсозлик заводидан 30 дан ортиқ янги типдаги вагонлар олдик, — дейди ҳаракатдаги составлар электр депоси бош инженери Ҳамид Муҳамедов. — Депомизда бу вагонларга тезликни автоматик ростлаш ва автобошқарув системаларини монтаж қилишда, уларни ер ости йўлининг янги участкасида синаб кўришда Юрий Черников бошлиқ автобошқарув-лабораторияси мутахассислари катта иш олиб боришди. Бундан ташқари, янги трасса учун бевосита депо қошида 30 дан ортиқ малакали машинистлар тайёрланди.

Бугун йўловчилар тўла вагонларнинг синов рейсларини ўтказишда депонинг катта электр мастери Абдувосиқ Назаров, слесарь-электрик Евгений Сергеев, катта мастер Вадим Михайлов, машинистлардан Қудратилла Мансуров ва Виктор Карасев каби пешқадам мутахассислари жонбозлик кўрсатишди. Шуниси диққатга сазоворки, янги трассада электр поездлар бир йўла тезликни автоматик ростлаш системаси бўйича қатнайди. Бу эса янги участканинг техник имкониятларидан илғариги участкага қараганда тезроқ фойдаланиш имконини беради.

Тошкент метроси 1-линиясининг иккинчи участкасидаги дастлабки станция ҳисобланган «Ҳамид Олимжон» номли ер ости қасридамиз. Улуғ ўзбек шоири номи билан аталаётган станция вестибюли, платформаси ва станцияга тушиладиган жойлар байрамлардагидек безатилган. Нафис мармардан сайқал берилган ер ости қасрининг девор ва поллари ўз чиройини кўз-кўз этиб турибди.

Тошкент метроси биринчи линиясининг иккинчи участкаси ишга туширилишга бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди. Митингни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов очди. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, «Ташметрострой» трестининг бошқарувчиси П. В. Семенов, «Ҳамид Олимжон» станциясининг бошлиғи А. К. Низомиддинов, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари Н. Маннопов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари К. Яшин, республика Фанлар академияси ўсимлик моддалари институтининг илмий ходими Э. И. Гедеонова совет кишиларининг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилаётган партия ва ҳукуматга астойдил миннатдорчилик билдиришдилар, тошкентликлар ўнинчи беш йиллик топшириқларини шараф билан тўла ва ошириб бажаришга, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олишга аҳд қилганликларини айтдилар.

Митингда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов иштирок этдилар.

Машинист инструктор Самад Эрназаров ва Асқад Холиқовлар бошқараётган илғор метросозлар, фахрли меҳмонлар тушган «зангори экспресс»имиз «Пушкин» ва «Максим Горький» станциялари томон йўл олиши эълон қилинди. Вагонда метросозлар билан бирга ер ости йўли қурилишида уларга актив ёрдам берган пудратчи ташкилотлар, шунингдек шаҳримизнинг кўпчилик районлари меҳнаткашлари ҳам бор. Улар станцияларнинг чиройли қиёфасини кўриб метросозларни чин дилдан қутлашяпти. Станцияларда мужассамлашган гўзаллик уларнинг қалбини оламмолам шодликка тўлдирган.

— Бу ер ости қасрига сайқал беришда бригадамиз коллективи ҳам меҳнат қилганлигидан жуда мамнунмиз,— дейди Тошкент метро қурилиш трести пардозчилар бригадаси бошлиғи Зокир Абдуллаев. — Қурувчиларимиз ҳамшаҳарларимизга бу ер ости қасрларини тезроқ қуриб бериш учун, метронинг янги трассасини муддатидан илгари ишга туширишни ва ўтказишни ҳаммамиз ўз ишимизнинг фидокорона меҳнатини шараф билан ўтадиган деб ишонамиз.

Ер ости қасрларида ҳар дақиқада жаранглаётган бу сўзлар аҳдига вафодор метросозларимизнинг фидокорона меҳнатини шарафлаб турганлигидек эшитилади.

М. АБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

* * *

Митишчи вагонсозлик заводидан келтирилган янги типдаги вагонлар Тошкент метросининг янги участкасида: М. Горький станциясининг қиёфаси.



В. Энкер фотолари.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

Тошкентдаги офсет босма фабрикаси Ўзбекистонда эмас, балки Ўрта Осиёда ҳам ягонадир. Фабрика ишлаб чиқараётган маҳсулотлардан бугунги кунда фақатгина республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимиз миқёсида — Арманистон, Туркманистон, Тожикистон республикаларида ҳам фойдаланилмоқда. Корхонада асосан бошланғич синф ўқувчилари учун рангли ва суратли дарсликлар, ҳар хил буклетлар, проспектлар, афишалар, плакатлар тайёрланади.

Фабрика коллективи 7 ойлик планларини ошириб бажардиларда ва республика социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, Ўзбекистон ССР нашриёти, полиграфия ва китоб саводси ишлари давлат комитети, касаба союзлари республика комитети ва маданият ходимлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар. Улар пландаги 824,5 минг сўмлик ўрнига 862 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Бу ўтган йилги шу пайтига нисбатан 100 минг сўм кўндир.

Фабрика коллективи кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб қолиш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

С. МАМАНОВ.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқлар миллий байрам — мустақиллик тикланган кун муносабати билан совет халқи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан ва шахсан ўз номларидан Афганистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Афганистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармалга, Афганистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетига, Афганистон Демократик Республикаси Революцион Кенгаши ва ҳукуматига, дўст афғон халқига самимий табриклар йўллайдилар.

✦ 18 август куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида аҳолининг турмуш маданиятини ошириш масалалари билан шуғулланувчи республика кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгашда қишлоқда маданий-маърифий масалаларнинг тарбиявий ролини ошириш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги ва республикада физкультура ҳаракатини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда Ш. Р. Рашидов катта нутқ сўзлади.

Касб маҳорати конкурси

Республика алоқа корхоналарида ким чаққон ва аниқ хизмат кўрсатади? Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги ҳар йилги анъанавий ўтказиб келаётган конкурсида ана шу савол ўз-ўзидан ҳаммани қизиқтиради. Бу йилги конкурс ҳам ўз қўлами билан жуда катта ва масъулиятли бўлди. Бу воқеани министрлик кадрлар бошқармасининг бошлиғи Муҳарро Ҳамидовна ХОНХЎЖАЕВА шундай шарҳлаб берди.

— Конкурсни ташкил этишдан кузатилган асосий мақсад республикамизда ёшларни касбга кенг ва атрофлича ўргатиш, уларнинг тажрибасини такомиллаштириш, энг уста ва моҳир алоқа ходимларини аниқлаш, хуллас, республикада алоқа хизматини янада намунали йўлга қўйишдан иборат эди.

Бу тадбир биринчи навбатда дастлаб корхоналарда, районларда, шаҳарларда ўтказилди. Уларда 36 мингга яқин киши қатнаб касб маҳоратини намойиш қилди. Ғолиблар эса республика бўйича якунловчи беллашувга тўпландилар. Улар 200 га яқин киши эди.

Якунловчи конкурсда телефонистлик, телеграфчилик, почта алоқаси операторлиги касблари бўйича барча областлар вакиллари кучини синашдилар. Уларнинг олдига қўйилган шартлар ҳар бир операцияни аниқ, тез бажариш, буюртмачини хизмат эстетикаси билан хурсанд қилиш, уни қуттириб қўймаслик, кейин жўрининг қатор саволларига батафсил жавоблар бериш эди.

Телефонистлик касби бўйича бухоролик Л. А. Семенова биринчи, тошкентлик И. Ю. Бузлякова иккинчи, хоразмлик З. Йўлдошева учинчи ўринни олдилар.

Телеграфчилик касби бўйича мусобақадар ҳам қизғин ўтди. Унда бухоролик Н. Букина, тошкентлик М. Муҳамедова, фарғоналик И. Герценштейн ғолиб бўлдилар.

Навоийлик М. Рамазонова, олмалиқлик Г. Ильина, жиззахлик Е. Соблина почта алоқаси операторлиги касби бўйича маҳоратларини намойиш этишди. Улар ҳар бир иш жараёнини чаққонлик билан аъло даражада бажардилар.

Ана шундай конкурсларнинг ғолиблари ва катта тажрибали алоқачи қизлар масъулиятли хизмат ишларига ҳам жалб қилинмоқда. Маълумки, Москвадаги Олимпиада ўйинлари қатнашчиларига ва меҳмонларига алоқа хизмати кўрсатишда бизнинг малакали хизматчиларимиз ҳам қатнашдилар. Улар Москвада алоҳида ташкил этилган 167-алоқа бўлимида бир ой давомида ишладилар.

Монтажга топширилди

БУГУН

«Главташкентстрой» 2-уйсозлик комбинатига қарашли 26-қурилиш бошқармасининг Воҳид Қосимов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси Луначарский шоссесининг жанубий томонида янги 60 квартирадан иборат 9 қаватли уй-жой биносини монтажга топширди. Монтаж ишларини мазкур трестнинг бригадалари бажаришмоқда.

Қурувчилар янги истиқомат биносини учинчи квартал охиригача фойдаланишга топширишга сўз беришган.

ЗАРБДОР КОМСОМОЛ ҚУРИЛИШИГА

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти Қарши филиалини биринчи марта битирувчилар диплом ишларини ҳимоя қилдилар. Яқинда «Каршистрой» зарбдор комсомол қурилиши коллективига 185 дипломли мутахассис — ер тузувчилар, гидромелиораторлар ва инженер - механиклар келиб қўшилади.

(ЎзТАГ).

ОЛИМПИАДАНИНГ ОЛИЖАНОБ ҒОЯЛАРИ ЙЎЛИДА

Барча совет кишилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев XXII Олимпиада ўйинларининг ташкил этилиши ва ўтказилишига берган юксак баҳони зўр мамнуният ҳисларига тўлиб кутиб олдилар.

18 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Москвадаги XXII Олимпиада ўйинларида қатнашган республика спортчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон спортчиларидан ўн беш киши жаҳон спортининг ана шу энг йирик байрамида Совет Иттифоқининг спорт шарафини ҳимоя қилишдек фахрли ҳуқуққа эга бўлди. Улар ана шу юксак ишончни шараф билан оқладилар.

Ўзбекистон спорт намояндалари Москва майдонларида ўн учта Олимпиада медалини қўлга киритдилар, Булар орасида учтаси олтин медалдир. Бу эса Олимпиада ўйинларининг бутун тарихида совет терма командаси муваффақиятига республикамиз вакиллари қўшган салмоқли ҳиссадир. Олимпиада ўйинларининг чемпионлари —чавандоз Юрий Ковшов, ватерполчи Эркин Шагаев, волейболчи қиз — Лариса Павлова, кумуш медаль совриндорлари —мерган Рустам Ямбулатов ва велосипедчи Александр Панфилов, камондан отувчи Наталья Бутузова ва қиличбоз Собир Рўзиев, бронза медаль сохиблари —хоккейчи қизлар Лайло Ахмерова, Алина Хам, Нелли Горбатко, Валентина Заздравних номлари «Олимпиада —80» йилномасига ёзиб қўйилди. Енгил атлетика бўйича терма командаларнинг составларида Татьяна Бирюлина, Александр Харлов, Анатолий Димов, Замира Зайцевалар беллашдилар.

Уларнинг ажойиб тренерлари ва мураббийлари А. Н. Ковшов, И. В. Лустин, Э. Турсунбоев, И. Б. Миркин, М. Д. Ким, А. В. Винк, В. И. Брустинов, А. В. Зайцев, А. Н. Израилов, В. В. Тутушкин ва бошқалар спортчиларнинг муваффақиятларини ҳақли равишда баҳам кўрмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Олимпиада ўйинлари қатнашчиларини самимий қутлаб, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, совет спорти шуҳрати йўлида катта муваффақиятлар тилади.

Спортчилар ва тренерлардан бир группасига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари, қимматли совғалар топширилди. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими» фахрий унвонлари берилди.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

телетайп лентасидан

✦ БЕЛГРАД. Югославия меҳнаткашлари Чегарачилар кунини нишонлади. 36 йил муқаддам ташкил қилинган чегара қўшинлари Югославия давлатининг чегараларини ҳушёрлик билан қўриқлаб турибди. Югославия чегарачилари ўз байрамини жанговар ва сиёсий тайёргарликда муваффақиятларга эришиш билан нишонламоқдалар. Кўпгина заставаларда ветеранлар билан, меҳнат коллективларининг намояндалари, ўқувчилар билан учрашувлар ташкил этилди, спорт мусобақалари ўтказилди.

✦ ВЕНА. Австрия, Совет Иттифоқи, Венгрия, Швейцария, Франция, Ғарбий Германия ва АҚШдаги музейлардан келтирилган экспонатларнинг Австриядаги қадимий Штейр шаҳрида ташкил этилган халқаро кўргазмасини икки юз мингдан кўпроқ киши томоша қилди. Бу кўргазмага эрамизгача 10—5 асрларга тааллуқли бўлган уй-рўзғор буюмлари, қурол-яроғлар, олтин ва бронза безаклари қўйилган.

✦ БАҒДОД. ИНА агентлиги Ироқ ички ишлар министрлиги расмий вакилининг айтганларига асосланиб, қуйидагиларни хабар қилди: 14 август куни пойтахтдаги «Ал-Ғайда» кинотеатрида қисқа туташиш натижасида рўй берган ёнғиндан 59 бола ҳалок бўлган ва 45 бола жароҳатланган. Хабарда айтилишича, ёнғин чиққанидан кейин кўпчилиги болалардан иборат томошабинлар ўзларини эшикка уришган, тиқилинчда уларнинг кўплари оёқ остида қолиб ҳалок бўлган.

✦ МАПУТУ. Кейинги вақтларда Кейптауннинг қора танлилар яшайдиган маҳаллаларида африкаликларнинг ўз ҳуқуқлари учун кураши кучайиб бормоқда. Бу маҳаллаларда вазият кескинлигича қолиб кетмоқда. Жанубий Африка охранкасининг жазо чоралари натижасида 5 киши ҳалок бўлди, жароҳатланганлар бор, кўплаб кишилар қамоқка олинган. Полициячиларнинг игвогарлик ҳаракатлари оқибатида африкаликларнинг галаёнлари бошланган. Полициячилар муниципал автобусларнинг бойкотини куч ишлатиб барбод этишга урингандар. Жанубий Африка Республикасининг африкалик аҳолиси ва қора танли гражданлари транспортда юриш баҳоси ҳаддан ташқари оширилганлигига норозилик билдириб, бойкот қилишга мажбур бўлган эдилар.

✦ ТОКИО. Япония соғлиқни сақлаш министрлигининг махсус комиссияси текширган 1020 медицина дори-дармонидан 67 таси терапевтик самара бермаганлиги, Бултур 200 миллион неналик ана шундай дори-дармон Япония дорихоналарига келтирилган эди. Фармацевтика саноати корчалонлари беморларни даволаш тўғрисида ғамхўрлик қилмай, балки ўзлари оладиган фойда ҳақидагина ўйландилар.

(ТАСС).

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ЖАНГОВАР ИШЛАР КЎРИГИ

Пойтахтимизнинг саноат, қурилиш, транспорт, алоқа корхоналари ва ташкилотлари коллективлари партиямизнинг XXVI съездига тайёргарликни кун сайин авж олдирмоқдалар. Партия қўйи звенолари — цех партия ташкилотлари ва партия группаларида бошланган ҳисобот-сайлов кампанияси коммунистлар зиммасига партия ташкилотларининг партия XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ишларини қайта-қайта ҳар томонлама таҳлил этиш вазифасини юклайди. Қўйида шаҳримизнинг йирик корхоналари партия ташкилотларининг етакчиларига сўз борамиз.

Коммунистлар таклифи асосида

А. ЛЕОНОВ,
Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи партия комитетининг секретари.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг июнь Пленумида: «Ўтган йиллар мобайнида биз коммунистик қурилишда қимматли тажриба тўпладик. Биз хоҳ шаҳар, хоҳ қишлоқдаги ишимизда мавжуд бўлган жами ижобий тажрибани ардоқлаб асрашимиз зарур», деган эди. Ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишидан буён партия ташкилотимиз ишнинг форма ва методларини янада такомиллаштириш, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш борасида кўпгина ишларни амалга оширди. Бизда ишлаб чиқариш унумдорлиги ва иш сифатини янада ошириш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини яхшилаш юзасидан партия комитетида ишчан, амалий муҳокамалар ўтказиш одат тусига кириб қолди. Бу эса партия XXV съезди қарорларини беками-кўст амалга ошириш билан боғлиқдир.

Партия XXVI съезди арафасида бошланган ҳисобот-сайлов йиғилиши кампанияси ишларимизнинг ўзига хос кўриги бўлмоқда. Корхонамиз партия группаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари муваффақиятли ўтмоқда. Бевосита омма ўртасида иш олиб бораётган партия группалари партия ташкилотимизнинг жанговар звенолари эканлиги, Партия группалари бевосита цех партия ташкилотлари таъсирида иш олиб бориб, партия қарорларини амалга оширишда, коммунистлар ва барча ишчиларни тарбиялашда муҳим роль ўйнаяпти. Улар хўжалик, маданий ва бошқа соҳаларга ҳам актив партия таъсирини ўтказяптилар.

Валентин Климов бошчилик қилаётган ремонт-комплектлаш цехи партия ташкилоти партия группаларида ҳисобот-сайлов кампаниясига олдиндан пухта тайёргарлик кўрди. Бу масъулиятли даврда тўпланган тажрибаларни, йўл қўйилган камчиликларни батафсил таҳлил этишди.

Редуктор участкаси партия участкасига авваллари Александр Семенишев бошчилик қилар эди. Участка коммунистлари ўзларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида Николай Ситниковни партия группаси ташкилотчиси қилиб сайлаганлар. Участкадаги олти коммунист иш унуми ва сифатини янада ошириш, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш, резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш бўйича қимматли таклифлар киритдилар. Ёки А. Шенгараев бошчилик қилаётган партия группасини олиб кўрайлик. Коммунистлар юксак ишонч билдириб, уни партия группаси етакчилигига қайта сайладилар. Бу ердаги тўқиз коммунист қайси иш жойида меҳнат қилмасин, ўз бурчини шараф билан оқлаяпти. Партия группаси ларининг куч-ғайратига таяниб иш олиб боряпти. Ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар барча фойдали, қимматли ташаббусларни умумлаштириш билан бирга амалий таклифлар ҳам киритдилар. Масалан, йиғилишда цех партия ташкилоти ва корхона партия комитетига партия группалари иш олиб бориши учун методик материал тайёрлаб бериш таклиф этилди.

Шунингдек, пўлат қуюв цехининг Неонила Гаранкина бошчилик қилаётган партия группасида ҳисобот-сайлов йиғилиши юксак ташкилий-сиёсий савияда ўтди. Бу ерда партия XXVI съездига қандай тайёргарлик ишлари олиб борилаётгани, партия ички фаолиятини янада юксалтириш учун нималар қилиниши кераклиги ҳақидаги суҳбат ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Г. Жданов, Г. Пак сингари коммунистлар участка коллективи олдидаги вазифалар мураккаблигини, ҳар бир коммунистнинг шахсий масъулиятини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Активлик ва ўз-ўзини танқид руҳида

Ш. ТУРСУНОВ,
«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретарининг ўринбосари

Партия бизни иш практикасида тўпланган тажрибаларни янада бойитишга, айрим камчилик ва нуқсонларга танқидий назар билан қарашга даъват этади. Айниқса янги съездга тайёргарлик кўриш вақтида коммунистларнинг, ишчиларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини янада оширишда бунинг аҳамияти катта.

Бирлашмамизда 29 цех партия ташкилоти ва 34 партия группаси муваффақиятли ишлаб турибди. Улар коллективнинг меҳнат ва ижтимоий фаолиятига партиявий таъсирни кучайтирмоқдалар, ҳар бир коммунистни ишлаб чиқариш ва тарбиявий вазифаларни муваффақиятли бажаришга жалб этмоқдалар.

Масалан, 12-цех металл-конструкциялар тайёрлайдиган цех ҳисобланади. Илгари бу цех партия ташкилотига Николай Банич бошчилик қилар эди. Ҳисобот докладида ва коммунистларнинг сўзларида цехда ишлар кейинги вақтларда бироз бўшашгани, резервлардан етарлича фойдаланмаётгани, энг муҳими эса моддий-техника базаси мустаҳкам эмаслиги ҳаққоний кўрсатиб ўтилди. Цехдаги камчилик ва нуқсонлар батафсил таҳлил этилгани учун ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши кутилган натижани берди: у юксак принципиаллик, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Коммунистлар якдиллик билан Ғайбибулла Худойбердиевни цех партия ташкилоти секретари қилиб сайладилар. Цех коммунистлари Тоҳир Орипов, Геннадий Шевченко ва бошқалар меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш, йилни муваффақиятли якунлаш, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида цехнинг барқарор ишлашини таъминлаш учун барча резервларни ишга солиш кераклигини таъкидладилар. Материал таъминотини яхшилаш юзасидан таклифлар киритилди. Табиийки, ўтган ойда цехда йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш, партия XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани кенг тус олдириш ва бошқа тадбирлар йиғилиш қабул қилган қарорда акс этди.

Шунингдек, корхонанинг 16 ва 19-бўлимлари партия группаларининг ташкилотчилари Александр Карамишев ва Римма Торошенко қилган ҳисобот докладлари ҳам партия XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ишларнинг чуқур таҳлилига бағишланди. Уларда коммунистларнинг барча янги, илғор ташаббуслари ўз вақтида қўллаб-қувватлаш, камчиликларни тезда тугатиш учун курашида етакчилик ролига алоҳида эътибор берилди. Коммунистларнинг эътиборига қизиқарли, чуқур мазмунли, ишдаги ютуқ ва камчиликлар чуқур таҳлил этиб берилган докладлар ҳавола этилса, ҳисобот-сайлов йиғилишининг таъсирчанлиги кучаяди, йиғилиш жонли ўтади. Бирлашмамиз партия комитети уларнинг юксак ташкилий-сиёсий савияда ўтиши учун жонбозлик кўрсатмоқда.

Тошкент агрегат заводида КПСС XXVI съезди шарафига авж олган социалистик мусобақада пармаловчи Жасур Мирзақосимов ҳам фаол иштирок этяпти. Корхонанинг 1-цехида кўп йиллардан бери фидокорона меҳнат қилиб келаётган бу ишчи смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этиб, аъло сифатли маҳсулот тайёрлаяпти. Унинг меҳнат календарида шу кунларда 1983 йилнинг март ойи давом этяпти.

СУРАТДА: илғор ишчи Жасур Мирзақосимов.

И. Шоннозомов фотоси.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Пландан ташқари рейслар

7-Ангрен автобазасидан Ўрозали Олтибоевнинг ҳайдовчилар бригадаси беш йиллик пландан ташқари ярим миллион тонна юк ташиди. Бригаданинг пландан ташқари ҳисоби ҳар куни кўпаймоқда — норуда материаллар карьерида хизмат қилувчи 32 шофернинг ҳар бири сменада нормадан бир-икки рейс кўпроқ қатнамоқда.

Коллектив КПССнинг XXVI съезди шарафига янги мажбурият — беш йилликнинг якунловчи йили планини октябрнинг 63 йиллигигача бажариш, йил охиригача топшириқдан ташқари яна камида 300 минг тонна юк ташиб бериш мажбуриятини олди.

Автобазада москволиклар ташаббусини бешта бригада — 104 ҳайдовчи қўллаб-қувватлади. Съездолди зарбдор вахтасида меҳнат унумдорлигини оширувчи, топшириқларни ошириб бажаришга имкон берувчи фойдаланилмаётган резервлар тинмай изланмоқда. Масалан, В. Дьяконов бригадаси автобаза устахоналарида эски кузовлардан ясалган прицепларни ишга солиб, юк ташиш ҳажмини қариб икки баравар кўпайтирди.

Янги мактаб

Шаҳрисабз районидаги Мироқи посёлкасида бунёд этилган Хисарак денгизини бунёд этган қурувчиларнинг фарзандлари учун 1 сентябрда бу ерда илк бор мактаб қўнғироғи чалинади.

Бутун мактаб биносига азим ёнғоқзор соя ташлаб турибди. Ўқув корпуси ёнида 3000 томошабинга мўлжалланган стадион, тир, сузиш бассейни бор.

Шу йил Қашқадарё областида янги мактаблар 6000 болани қабул қилади.

Доктор Исаев номида

Қадимги Бухоро кўчаларидан бири доктор Исаев номи билан аталди. Республикада соғлиқни сақлаш ишини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган таниқли медик олим, Ўрта Осиёда биринчи тропик медицина институти ташкилотчисининг хотираси шу таҳлитда абадийлаштирилди.

Л. М. Исаев 40 йилдан кўп вақт давомида илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Олим шу муддатнинг ярмидан кўпини илгари Зарафшон водийсида кенг тарқалган касалликларга қарши курашга бағишлади.

(ЎзТАГ).

«Узбексельмаш» заводи машинасозлари улуғ сана — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ мусобақасида фаол қатнашмоқдалар. Бу ерда съезд шарафига 26 зарбдор ҳафта эълон қилинган.

СУРАТДА: мусобақа пешқадамларидан корхона 10-цехининг илғор ишчилари (чапдан-ўнгга) З. Шошина, М. Сохибгареев ва З. Ҳанимова ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.

УЧ ҚАВАТЛИ МАКТАБ

Олмазор массивида уч қаватли, 1176 ўринли мактаб биноси қад ростлади. Унинг ёруғ, барча жиҳозларга эга, шинам хоналарида шаҳримизнинг 90-мактаб ўқувчилари билим олади.

Бинони 13-қурилиш трести 49-қурилиш бошқармасининг В. Шоқурбонов бошлиқ монтажчилар ва И. Усмонов бошлиқ комплекс бригада қурувчилари бунёд этдилар. Айни кунларда мактаб биносида пардозчилар, сантехниклар иш олиб боришмоқда. Улар янги ўқув йилига қадар бинода барча ишларни тугатиб, уни 1 сентябрга топширишга аҳд қилишган.

Бу ишда 90-мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари фаол иштирок этиб, мактаб атрофини тартибга келтириб, хоналарни тозалашда кўмаклашяптилар.

М. ЮСУПОВ,
13-қурилиш трести, 49-қурилиш бошқармаси бинокори.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СССР БУЮРТМАСИ БИЛАН

ПРАГА. Хомутов шаҳридаги трубопрокат заводининг коллективи Совет Иттифоқига катта диаметрли тўрт миллониничи тонна трубаларни ортиб жўнатди. Шу муносабат билан корхонада оммавий митинг бўлди. Митингда сўзга чиққан ишчилар, завод раҳбарлари завод партия ташкилотининг вакиллари завод олдида катта истиқболларни очиб берувчи Совет Иттифоқи билан ҳамкорликнинг муҳимлигини таъкидладилар. Улар бутун коллектив бундан буён ҳам Совет Иттифоқилик дўстларнинг буюртмаларини ўз вақтида бажаришга аҳд қилганлигини таъкидладилар. Хомутовлик трубопрокатчилар 40-йилларнинг охиридан бери СССРга ўз маҳсулотларини юбориб келадилар. Уларнинг қувурлари Сибирь, Ўрта Осиё, мамлакатнинг Европа қисмидаги ўнлаб нефть ва газ трассаларига ётқизилди. «Дўстлик» нефть қувурини, «Қардошлик» газ қувурини ётқизишда улардан кенг қўлламда фойдаланилди.

Коллективнинг янги меҳнат муваффақияти олдидан корхона ҳаётида яна бир муҳим воқеа бўлди. Яқинда бу ерда коррозияга бардош берадиган махсус қувурлар чиқарувчи комплекс ишга туширилди.

А. КОНДРАШОВ.

Қурувчилар муваффақияти

БЕЛГРАД. Югославиянинг Зеници металлургия комбинатидаги янги кокс батареясининг қурувчилари ишлаб чиқаришда катта муваффақиятга эришдилар. Бу ерда пойдеворнинг юқори плитасини бетонлаш ғоят қисқа муддатда ниҳоясига етказилди.

Югославия металлургиясининг байроқдори бўлган Зеници металлургия комбинати Совет — Югославия самарали ҳамкорлигини кўрсатувчи ёрқин мисолдир. СССРдан келган мутахассислар корхонани лойиҳалаштиришда, комбинатда Югославияда энг йирик бўлган домна печини, кислород-конвертор цехини қуришда, узлуксиз пўлат қўйиш қурилмасини барпо этишда қатнашдилар.

ОММАВИЙ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР

ДЕҲЛИ. Республика мустақиллигининг 33 йиллигига ва СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган кунинг 9 йиллигига бағишланган Ҳиндистон — Совет дўстлиги ойлигида, оммавий митинглар, конференцияларда ва бошқа тадбирларда Ҳиндистоннинг миллион-миллион ишчилари, деҳқонлари, хизматчилари, студентлари қатнашмоқдалар.

Ҳиндистон — Совет маданий жамияти миллий кенгашининг бош секретари С. Нагаянанинг ТАСС мухбирига айтишича, Совет Иттифоқи билан дўстлик ҳаракати Ҳиндистонда чинакам умумхалқ тусини олган. Бунда Ҳиндистон— Совет маданий жамиятининг хизмати катта. 1952 йилда бир гуруҳ ташаббускорлар тузган бу жамият ўтган йиллар мобайнида оммавий ташкилотга айланди. Ҳозир мамлакатнинг турли жойларида унинг 1700 та бўлими бор.

Г. СПИЦИН.

Бугун — Афғонистон Демократик Республикасининг миллий байрами, мустақиллик тикланган кун

Тоғ этагидаги мамлакат революция йўлида

Кобул шаҳри яқинидаги Пагман деган жойда олд томонидан тўртта оқ устун билан безатилган Зафар арки қад кўтариб турибди. Аркнинг юқори қисмида бир-бирига туташтирилган тўп билан милтиқ белгиси тасвирланган. Бу арк афғон халқининг 1919 йилда мустақилликни курашиб қўлга киритганига, унинг инглиз босқинчилар устидан қозонган ғалабасига бағишланган. Инглиз босқинчилар қариб юз йил мобайнида мамлакатни ўз таъсирига бўйсундириш учун уриниб келган эдилар. 1919 йил 19 август афғон халқининг миллий байрами — мустақиллик тикланган кун бўлиб қолди. Совет Россияси ўша йилиёқ Афғонистонни таниди. Бу эса Афғонистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ва Афғонистон билан СССР ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга самарали таъсир ўтказди.

Тоғ этагидаги мамлакат деб аталган Афғонистон миллий тикланиш ва ривожланишнинг узоқ йўлини босиб ўтди. 1973 йилда қирол режими ўрнига республика ташкил топди. Аммо Афғонистон халқи буржуа тузумига хос бўлган тартиблар билан муроса қилишни истамас эди. 1965 йилдаёқ тузилган Афғонистон халқ-демократик партияси революцияга замин тайёрлади. Бу революция 1978 йилнинг 27 апрелида амалга оширилди. Аммо революция босиб ўтган йўл енгил йўл эмас эди. Революциянинг 1979 йил декабрь охиригача давом этган биринчи босқичида бир қанча жиддий хато ва нуқсонларга йўл қўйилди. Ҳокимият тепасига суқилиб кириб олган ва революция ишига хиёнат қилишни мўлжаллаган Х. Амин группаси бунинг учун айбдор бўлиб чиқади.

Апрель революциясининг 1979 йил 27 декабрда бошланган иккинчи босқичи Бабрак Кармал бошчилигидаги ҳукуматни мамлакатга раҳбарлик қилиш даражасига кўтарди. Бабрак Кармал Афғонистон халқ-демократик партиясининг асосчиларидан бири эди. У ана шу партия Марказий Комитетининг Бош секретари, республика Революцион Кенгашининг Раиси ва республиканинг Бош министри бўлиб қолди. Уша пайтдан бошлаб афғон халқининг тарихида янги саҳифа очилди.

Революциянинг ғаласа ва мамлакат чинакам мустақиллигининг мустаҳкамланиши империалистик доиралар, Хитой гегемончилари, Покистондаги ҳарбий диктатура ва маҳаллий реакция кучларининг дидига ёқмади. Покистондаги жуда кўп лагерларда Америка ва Хитой инструкторлари тайёрлаган сотқин шайкалар қўшни Покистондан Афғонистон территориясига юбориб турилганлиги сабабли афғон халқи революция ғалабаларини ҳимоя қилишга мажбур бўлди. Исломни ҳимоя қилиш деган сохта шиорлар билан ниқобланган турли-туман афғон реакцион партиялари ва гуруҳлари ана шу лагерларда ўзига маскан топди. Бу гуруҳларнинг қўпорувчилик фаолияти шу йилнинг февраль ойидаги воқеаларга олиб келди. Революция душманлари Кобул кўчаларида тартибсизлик чиқариш, ҳукуматга қарши намойишлар ўтказиш, корхоналарда диверсия уюштиришга ўриндилар. Революцион халқ кучлари бу ҳужумларни дарҳол бостирди.

Шундан кейин реакция қўпорувчилик ишларининг оғирлик марказини вилоятга кўчирди. Бу ерда реакцион шайкалар давлат ва партия муассасалари, ҳамда мактабларга ҳужум қилдилар, активаларни, ўқитувчиларни ўлдирдилар. Бир неча ой ичида 1.200 мактабга ўт қўйилди. Босмачилар деҳқонларнинг даладаги ҳосилини ёндирдилар, халқ ҳокимиятини қўллаб-қувватлаган муллаларнинг ёстиғини қуритдилар.

Ҳозир Кобулда ёзнинг жазирама кунлари. Ҳарорат кундузи цельсий бўйича қирқ даражага кўтарилди. Кун ўрталарида кўпинча иссик шамол— афғон шамоли эсиб туради. Ҳаммаёқни чанг-тўзон босиб кетади. Шундан кейин ҳаво очилиб кетиб, нафас олиш енгиллашади, офтоб яна чарақлайди.

Кобул жаҳоннинг энг қадимий шаҳарларидан биридир. У 1773 йилда Афғонистоннинг пойтахти бўлиб қолди. Бу ерда мамлакат ҳаётининг ҳарорати жуда аниқ сезилиб туради. Корхоналар ва магазинлар ишлаб турибди, кўчаларда қатнаб турган автомашиналарнинг сон-саноғи йўқ. Шаҳарда шарқ мамлакатларига хос бозор ва дўконлар кўп. Шу кунларда бозор ва дўконларда ширин-шакар қовун ва тарвузлар сероб.

Партия ва ҳукуматнинг мамлакатдаги вазиятни нормаллаштириш соҳасида сабот-меҳнат билан кун сайин олиб бораётган ишларининг самаралари яққол кўриниб турибди. Афғонистон халқ демократик партияси Марказий Комитетининг июль ойи охирида чақирилган пленуми «Партия ва халқнинг ҳамма кучи контрреволюцияни тор-мор этиш учун» шиори остида ўтди. Пленумда таъкидлаб ўтилганидек, кейинги вақтларда афғон армияси исёнчиларнинг йирик қисмларини тугатиш соҳасида бир қанча муваффақиятли операциялар ўтказди. Бу эса вазиятни барқарор қилишга ёрдам берди. Вилоятлар ва уездларнинг талайгина қисмида революцион тартиблар амалга оширилмоқда. Босмачиларга қарши олиб борилаётган кураш тўғрисида ҳар куни матбуотда эълон қилинаётган маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди. Армия ва хавфсизлик кучлари билан бир қаторда партия активлари, ёшлар, аҳоли отрядлари ҳам бу курашга тобора жалб этилмоқда.

Мен Афғонистон халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Бабрак Кармални шундай қисмлардан бири билан учрашганлигини кўришга муяссар бўлдим. Кобулдаги олий ўқув юртларининг 120 кўнгилли студентларидан тузилган бу отряд Лагмон вилоятининг ерлари бўйлаб жанг билан ўтиб, уездларни ва аҳоли пунктларини босмачи шайкаларидан тозалашда маҳаллий маъмурларга ҳамда хавфсизлик кучларига кўмаклашди. Кобулдаги халқлар уйи-Ҳукумат резиденциясида ўтказилган учрашув ёшларнинг революция ишига содиқ эканлигини ифода этувчи ёрқин намойишга айланди.

Корхоналар нормал ишлаб турибди. Кобулда Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган нон комбинатида, Жангалак авторемонт заводида бўлган вақтимда бунга ишонч ҳосил қилдим.

Маориф министри доктор Анахита Ротибзода хоним мактабларда машғулотлар олдиндан тайёргарлик қандай борэётганлигини, катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизлик қандай тугатилаётганлигини менга ҳикоя қилиб берди. Савдо министри Муҳаммадхон Жалалар республикада давлат савдоси ва хусусий савдо-сотиқ муваффақиятли ривожланаётганлиги ҳақида, Афғонистон Демократик Республикасини социалистик давлатлар билан, аввало Совет Иттифоқи билан, шунингдек, ривожланаётган мамлакатлар билан алоқалари кенгайиб бораётганлиги тўғрисида гапирди.

Қишлоқ жойларда ғалла ўрим-йиғими муваффақиятли ўтмоқда. Бу йил ўтган йилдагидан кўпроқ ҳосил етиштирилди. Давлатнинг деҳқонларга уруғлик дон ва ўғитлар билан бераётган катта ёрдами, шунингдек ҳозир кенг тус олган кооператив ҳаракатининг ривожланиши натижасида бунга эришилди.

АДР ҳукумати ишчилар синфининг фаровонлигини юксалтиришга катта эътибор бермоқда. Баврак Кармал Афғонистон касаба союзлари Марказий правленияси пленумининг қатнашчилари билан якинда учрашган. вақтида ишчиларнинг иш ҳақини ошириш, меҳнат тўғрисида шу пайтнинг талабларига жавоб берадиган янги қонунни ишлаб чиқиш, ишсизликни тугатиш тўғрисидаги масалаларни ва бошқа масалаларни очиқ муҳокама қилди.

Ўз тақдирини ўз қўлига олган ва революция ғалабаларини охиригача ҳимоя қилишга шай бўлиб турган афғон халқининг кўп қиррали ҳаёти ана шундай.

Республикага қарши фитна уюштираётган ташқи империалистик кучларга ва ички аксилинкилобга қарши курашнинг оғир кунларида афғон халқига ёрдам берган совет халқи бу халқнинг ўз миллий байрами кунида тараққиёт ва равнак топиш йўлида муваффақиятлар қозонишини тилайди.

Л. ВОЛЬНОВ,
(ТАСС мухбири).

Кобул.



СУРАТДА: Афғонистон Демократик Республикасининг пойтахти — Кобул кўчаларида.

ТАСС фотохроникаси.

• Қ и ш — синов даври

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ КЕРАК

— Биз ўз уйимиз, яшаш шароитимиз билан ҳар қанча фахрланса арзийди, — дейди Октябрь районидаги 64-уй-жойлардан фойдаланиш идорасининг бошлиғи Омон Исмоилов.— Чунки яшашимиз учун зарур бўлган барча шарт-шароитни ўзимиз, ўз куч ва меҳнатимиз билан вужудга келтиряпмиз.

Шу кунларда бу ерда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари қизғин олиб бориляпти.

— Қарамоғимиздаги 45 та уйнинг ярми қишга тайёр бўлса ҳам хали қилинадиган ишлар кўп,— дейди биз билан суҳбатда О. Исмоилов. — Бирок энг муҳим ишларни амалга оширдик. Ёмғирли кунларда чакки ўтадиган уйларнинг томлари қайта сифатли ремонт қилинди. Ҳар бир подъездга биттадан масъул кишилар тайинланган. 3, 4-уйлардаги қуритиш батареялари кейинги пайтларда яхши ишламас эди. Ҳозир ЖЭК сантехникларининг беминнат хизмати туфайли батареялар аввалгидай соз ишлаяпти. Сувларни иситиб узатиш қозонлари қайта кўриб чиқилди. Уйларнинг ҳамма эшикларига пружина ўрнатилган. Ертўлалар қурук сакланяпти. Бирок, 9 қаватли уйларнинг ертўласига сув тез-тез тўпланиб қолаётган эди. Уни йўқотиш чораси ҳам топилди. Бу уйларнинг ертўлаларига насос ўрнатиш мўлжалланмоқда. Ҳозир 13-уйда шундай насос ишлаб турибди.

Шуниси қувончлиқи, квартал аҳолиси ўзлари яшаб турган жойни ободонлаштириш, мавжуд дарахт кўчатларини парваришлаш ва айниқса болалар ўйнайдиган майдонларга катта эътибор беришмоқда. 13-уйнинг орқа томонидаги яланглик жойда анчадан буён аҳлат, хар хил чиқиндилар ўюлиб ётарди. 2—2-«а» уйда яшовчи Ўктам акаининг ташаббуси ва ЖЭК ходимларининг ёрдами туфайли ҳозир бу ер чиройли футбол майдонига айлантирилиб атрофига скамейкалар ўрнатилган. Бу ерда кичик ёшдаги болаларнинг уйлараро футбол мусобақаси бўлиб турибди. 1-уйда яшовчи Б. Эшматовнинг ташаббусига қўшилган квартал аҳолиси «Уйжой фондини намунали асраш икки ойлигини уюшқоқлик билан ўтказиб, уни муддатидан илгари якунлашди. Бу ишда Д. Жалилова, О. Лошак сингари техник назоратчилар аҳолига яқиндан ёрдам беришаяпти.

Афсуски, айрим уйларда ўзбошимчалик қилиб балконларга турли-туман кир-чирларни осиб қўйиш ҳоллари юз бермоқда. 13-уй, 56-квартирада яшовчи Э. Қодирқулов, шу уйнинг 37-квартирасида турадиган Н. Чеббтаревлар ўзбошимчаликлари туфайли жиддий огоҳлантирилди. 10-уй, 87-квартирада истиқомат қилаётган А. Бахтияровага гап таъсир қилмас экан, ЖЭК раҳбарлари унга уй-жойни тоза тутиш, балконга киймм-кечак осмаслик тўғрисида айтишганда у «Нима қилишимни ўзим яхши биламан. Менга ақл ўргатишнинг кераги йўқ» деб ҳамон тўнини тескари кийиб юribди.

Энди қўшни 55-ЖЭКдаги аҳвол билан танишинг. Биз ЖЭК бошлиғи А. Штеклердан «Кузги-қишки мавсумга қандай тайёргарлик кўряпсизлар» деб сўраганимизда:

— Биз кузги-кишги мавсумга йил бўйи тайёргарлик кўряпмиз,— деди. — Барча ишлар график асосида олиб бориляпти.

Бирок бошлиқ тузилган ўша графикни бизга кўрсата олмади.

Бош инженер билан уйларнинг атрофини айланамиз. Шуни айтиш керакки, салкам 12 минг аҳоли яшайдиган бу «Марказ—14» кварталн йилдан-йилга ободонлаштирилмоқда. «Намунали уй» номини олиш учун курашаётган 11-«а» ва 25-уйларнинг олдидаги майдон гулзорга айлантирилган. Болалар ўйнайдиган майдонларга қум сепилиб соябонлар ўрнатилган. Мевали ва манзарали дарахтларнинг кўплиги, йўл, тротуарларнинг тозалиги массив кўркига-кўрк қўшиб турибди. Бирок уйларни ва умуман аҳоли яшаб турган территорияни қишга тайёрлаш ишлари сust олиб борилаяпти. Ҳанузгача уйларнинг томлари ремонт қилинмаган. Подъезд ва ертўлалар қаровсиз аҳволда ётибди. Кўплаб труба ва кабелларни сув босган. Умуман олганда, мазкур ЖЭК раҳбарлари меҳнаткашлар билан яқин алоқада бўлиб, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашлари, қишга эса пухта ҳозирлик кўришлари керак. Ана шунда улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажарган бўлишади.

Қ. ТУРАҚУЛОВ.

Янги ўқув йили яқинлашиб қолди. Буни шаҳримиздаги китоб дўконларининг, «Болалар дунёси» магазинининг айниқса гавжумлигидан ҳам сезса бўлади.

СУРАТДА: янги ихтисослашган «Ўқувчи» магазинида савдо пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

• Билим юртларида

БЎЛАЖАК КИНОЧИЛАР МАСКАНИ

Кираверишдаги фойеда ўрнатилган киноэпидескопнинг тугмачаси босилган экранда шундай сўзлар пайдо бўлди: Наби Ганиев номидаги Тошкент кинотехникуми... 1960 йилда ташкил этилган. Сўнгра техникум тарихига ойд, у вужудга келган кундан бошлаб ҳозирги кунга қадар ўтган вақт мобайнидаги ҳаётни ҳақида ҳикоя қилувчи кадрлар бирма-бир намойиш бўла бошлади. Оддий киноқурилмадан тортиб замонавий мураккаб киноаппаратларгача бўлган тараққиётни киноэпидескоп экрани ярим соат ичида лўндагина қилиб, муфассал ҳикоя қилиб берди.

Эътиборимизни фойе деворларида тартиб билан ўрнатилган рангли кино рекламалар ўзига жалб этди. Совет киносининг қалдирғоч фильмларидан то бугунги кун кинофильмлари ҳақида рекламалар аниқ маълумот беради.

— Бу рекламаларни, —дейди техникум директори Т. Ҳидоятхўжаев, —биз мустаҳкам алоқада бўлган кинотеатрлардан оламиз. Айниқса, Санъат саройи маъмуриятининг бизга кўрсатган ғамхўрлигидан мамнунмиз. Г унинг учун техникумимиз ўқувчиларининг кўпчилик қисми ишлаб чиқариш практикасини Санъат саройи киноаппаратлари олдида ўтказадилар.

Фойедан тўғри ўқув хоналарига кирамиз. Ўқув хонаси шинам, деворларни совет киноартистларининг портретлари безаб турибди. Стол устидаги қалин альбом диққатимизни тортди.

— Иилнома-альбомимиз,— дейди жилмайиб Т. Ҳидоятхўжаев.

Секин варақлаймиз. Суратлар: «Биринчи ўзбек совет кинорежиссёри Наби Ганиев портрети», «Техникумнинг дастлабки битирувчилари», «Техникум студентлари ишлаб чиқариш практикасида», «Техникум студентлари пахта йиғим теримида», ҳаётда ва спорт мусобақаларида эришилган муваффақиятла р н и билдирувчи фахрий ёрлиқ ва дипломларнинг асл нусхалари, «Кабинет ва лабораторияларда ўқув жараёни» ва ҳоказолар.

Суратларга ишониш учун лабораторияларни айланамиз. Замонавий кинопроекцион қурилмалар, киноакустика, кучайтиргич қурилмалари, киноқурсатишни автоматлаштириш каби махсус лабораториялар д а н ташқари физика, химия, электротехника лабораториялари, киножиҳозлари ремонт хонаси ҳамда слесарлик устахоналари мавжудлигининг гувоҳи бўлдик.

Бу ерда тайёрланадиган киноқурилмаларни ж:ҳозлаш ва ишлатиш ҳамда корхоналарда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни планлаштириш, кинолаштириш ва кинопрокат тармоғи ихтиссосликларини ўрганувчиларга ҳамма шароитлар яратиб қўйилган.

Бу йил 300 ўғил ва қиз биринчи курса қабул қилинади. Бундан ташқари, 150 ўқувчи техникумнинг сиртқи бўлимига қабул қилинади.

150 нафар ўғил ва қиз эса техникум дипломини олишди. Улар «Ўзкинохрон и к а », «Ўзбекфильм» ва «Ўзбектелефильм» студиялари ҳамда республикамизнинг турли шаҳарларидаги кинотеатрларда мустақил иш бошлайдилар.

Ҳа демай, янги ўқув йили ҳам бошланди. Техникумда янги ўқув йили тайёргарлиги ҳам яхши йўлга қўйилган. Кабинетлар ва лабораториялар қайтадан жиҳозланмоқда. «Ўқиш аълочисм— ишлаб чиқариш илғори» шиори билан иш олиб бораётган техникум ўқитувчи ва студентлари съездлар йилини ўқишда ҳам, ишда ҳам муносиб кутиб оладилар.

С. САИДОВ.

• Илмий изланишлар

Кўчки тўхтатилди

Офтобда ялтираб турган кор массаси тоғ ёнбағридан автомобиль тезлигида тушиб шағал уюмга бориб уриляпти ва парча-парча бўлиб кетяпти. В. А. Бугаев номли Ўрта Осиё регионал гидрометеорологик илмий-тадқиқот институтининг гляциолог-кўчкичил а р и кўчкига қарши курашда шағал, майда тош ва тупроқдан иборат суньий дўнгликлардан фойдаланишни таклиф қилдилар.

Институт экспедицияси БАМда ўтказилган илмий изланишлари натижасида ана шу оригинал ечим вужудга келди. Экспедиция отрядлари конуссимон тупроқ дўнгликлар қўллашни асослаб бериш-ларидан олдин қорли тоғлар бўйлаб анчамунча йўл босдилар. Маълум бўлишича, кўчкининг ўзи келтирадиган табиий бинокорлик материалларидан фойдаланиш БАМнинг баъзи участкаларида ҳимоя воситалари қурилишининг сметадаги нархини 50 баравар камайтиришга имкон берар экан.

Гляциологлар Узбекистонга қайтиб келишгач кўчки тузоқларини такомиллаштиришда а н иборат ишларни давом эттирмоқдалар. Чимёнда Иттифоқ практикасида илк бор қор кўчкисидан ихоталаниш учун ярим ўтувчан системани қўллаш таклиф этилди. Дўнг конуслар бу ерда икки группада жойлаштирилади. Уларнинг узунлиги ҳар хил ва тахминан шахмат тартибида бўлиб, оқимларни ўтказаверади, аммо тезлигини сўндиради, массани ва югуриш олислигини камайтиради. Дахшатли кўчки иқота дўнгларига дуч келгач, водий тубигача етиб бороолмайди.

Т. ЯКОВЛЕВА,
ЎзТАГ мухбири.

◆ ФАН ВА ТЕХНИКА — БЕШ ЙИЛЛИК ХИЗМАТИДА

ТЕРРИКОНЛАРДАН ҚУРИЛИШ ГИПСИ

Кедайняй химия заводи майдонида кўтарилган фосфогипсдан иборат террикон —тепаликлар янги маҳсулот— қурилиш гипси ишлаб чиқариш учун хом ашё манбаи бўлиб қолди. Литва архитектура ва қурилиш илмий-тадқиқот институтининг олимлари суперфосфат ишлаб чиқаришда ҳосил бўлувчи мана шу чиқитларни қайта ишлаш оригинал технологиясини таклиф қилдилар.

Институт мутахассислари корхонанинг химиклари билан ҳамкорлик қилиб, фосфогипсдан кислота бирикмаларини ажратиб олишнинг арзон усулини топдилар. Натижада материал эримайдиган, осон қолипланадиган ва тез қотадиган бўлиб қолди. Олимларнинг лойиҳаларига кўра, Кедайняйда йилига 200 минг тонна янги материал ишлаб чиқарадиган цех қурила бошланди. Қурилиш гипси анчагина юқори маркали цементни тежашга имкон беради. Чорвачилик бинолари учун енгиллаштирилган гипс-цемент блоклар ишлаб чиқаришда йигма уй-жойларнинг девор панелларига ишлов беришда кенг кўламда қўлланилади.

Турдош корхоналар, шунингдек Череповецк ва Красноярскда қуриладиган янги химия заводларининг лойиҳачилари фосфогипсни қайта ишлаш технологиясига қизиқиб қолдилар. Бу ерда чиқитсиз ишлаб чиқариш комплекслари барпо этиляпти. Янги корхоналар ўғит билан бирга қурилиш гипсини ҳам ишлаб чиқаради.

Г. ЛАБАНАУСКАС,
ТАСС мухбири.

◆ АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ДОМНА ЎРНИДА ПРЕСС

ЛЕНИНГРАД. «Вторчермет» бирлашмасининг пресс участкаси ғалати бир маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Бу ерда пўлат қуйиш учун зарур чўян ғўлалар шаҳар корхоналаридан келувчи қиринди-лардан қолипланмоқда.

Илгари чиқит металлургия корхонасига твшиб бориларди. Ташиш ва қайта эритиш чоғида анча қиринди исроф бўларди. Марказий қора металлургия илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари билан ҳамдўстликда ишлаб чиқилган қиринди брикетлаш содда ва арзон технологияси ундан батамом фойдаланишга имкон беради. Бу янгилик катта-катта саноат марказлари учун айниқса муҳимдир.

Дастлабки тонна «брикетлар» Череповецк металлургия заводига юборилди.

(ТАСС).

Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1000 йиллиги олдидан

АЛЛОМА ҲАҚИДА ҲИКОЯТЛАР

Ўтмишда Шарқнинг буюк донишманди Абу Али ибн Сино ҳақида халқ орасида турли афсона, ривоят, ҳикоят ва нақллар кенг тарқалган эди. Зайниддин Маҳмуд Восифий XVI асргача одамлар вужудга келтирган бу асарларни йиғиб, ўзининг «Бадое-ул-Вақое» деган тўпламига киритган. Қуйидаги мазкур ривоят, ҳикоят, афсона ва нақллардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Шифобахш заҳар

Ҳикоят қилурларким, Абу Али ўтадиган йўл ёқасига турли ерлардан беморларни келтириб қўяр эканлар. Абу Али эрта билан уйидан чиққач, аввал бир тарафига қарар экан-да, шу ёқда ўтирган беморнинг ҳолидан хабар олар экан:

—Сиз фалон касалга дучор бўлгансиз, унинг давоси қуйидагидир...

Маҳкамадан қайтишида йўлнинг иккинчи тарафига қараб, беморларнинг касалига юқорида зикр этилган тарзда даво белгилар экан.

Кунлардан бирида ночор бир беморга диққат билан разм солиб турибди-да, касалининг давоси ҳақида ҳеч бир сўз айтмай, бошқа бемормлар тарафига ўтиб кетибди. Абу Алининг бу муомаласидан бемор ноқулай ҳолатга тушибди. У ҳаётдан тамомила умидини узиб, зудликда уни уйига элтишларини сўрабди. Уйига келгач, яқинларига дебди:

—Эй азизлар! Тобуту кафаним ҳозирлигини кўра беринглар. Зероки, Абу Алидек улуғ ҳаким касалимга шифо йўқлигини билиб, менга ҳеч нима демай олдимдан ўтиб кетди.

Иттифоқо беморнинг сут ичиси келибди. Сут келтирганларида бир неча қултум ичибди-ю, косада қолганини ёнига қўйибди. Ногаҳон уйларининг бурчагидаги тешикдан бир илон чиқибди-да, судралиб келиб косадаги сутни ича бошлабди. Сутни тугатгач, ерда у ёқдан-бу ёққа ағанабди, сўнг кулча бўлиб ўралиб, оғзини коса лабига келтирибди ва ичган сутининг барчасини қайт қилибди. Бир оз муддат ўтгач, яна ўша тешикка кириб кетибди.

Бу манзарани кузатиб ётган бемор ўзича ўйлабди:

— Барибир ўламан. Хаётдан ҳеч умид йўқ. Бас, шундай экан, заҳарланган сутни ичай-да, жонимни азобдан халос этай!

Сўнгра косадаги сутнинг ҳаммасини ичибди. Бир оз муддат ўтгач, кутганига аксинча аҳволи лаҳза сайин яхшилана бериб-ди. Бир неча кундан кейин эса ўзини бутунлай тетик ҳис қила бошлабди. У яна Абу Али ўтадиган йўл ёқасига келибди ва унга «Эй буюк шифокор, сен мени даволашни истамай рад этдинг, лекин менга тангрим шифо берди», — деб эътироз билдирмоқчи бўлибди. Абу Али ун кўргани замонок таажжубланиб сўрабди:

— Эй марҳаматли афъи илоннинг сўлатини қаердан ва қай тарзда қўлга киритдингиз? Сизнинг касалингизнинг давоси фақат шунда эди. Сизни биринчи дафъа кўрганимда бу нарсани топиш ғайри мумкин бўлганлиги туфайли сизнинг олдингиздан хомуш ўтиб кетган эдим.

Мазкур киши айб Абу Алида эмаслигини тушуниб, унга афъи илоннинг заҳарини қандай қилиб қўлга киритганлигини батафсил айтиб бербди.

Игна билан даволаш усули

Ҳикоят қилишларича, амир Сомоний харамидаги аёлларидан бири касал бўлиб қолиб, унинг лолагун чеҳраси заъфарон ҳолатга келибди. Ҳакимлар унинг дардига даво топа олмабдилар. Навбат Абу Алига етибди. Амир Сомоний Абу Алини ўз ҳузурига чақиртириб, унга бемор аёл аҳволини баён қилибди. Абу Али бемор аёл ётган хонага парда тортишларини илтимос қилибди. Сўнг хонага кириб, парда орқасига ўтирибди. Хизматкорларга аёлнинг бош бармоғига ингичка ип боғлаб унга келтиришларини сўрабди. Ипни қўлига ушлаб, унинг тебранишидан беморнинг касали иллатини аниқлабди. Шундан кейин бирор идишга кул солиб келтиришларини ва бемор аёл ўнг оёғини кул устига қўйиб маҳкам босиши кераклигини уқтирибди. Аёлнинг оёқ изи тушган идишдаги кулни Абу Алига олиб келибдилар. Абу Али аёлнинг оёқ изи тушган ерга бир ништар кўмиб қўйибди ва хизматкорларга бемор аёл оёғининг изи тушган ерга оёғини қўйиб, яна ҳам маҳкам босиши лозимлигини тайинлабди. Аёл оёғини кулдаги из тушган ерга қўйиб, қаттиқ босган экан, ништар касалликка сабаб бўлган томирга санчилибди. Бемор «дод» уриб, ҳушидан кетибди. Харамдаги хизматкорлар аёл оёғидаги ништарни тортиб олибдилар. Жароҳатланган жойдан бир неча томчи қон оқибди. Бир неча кун ўтгач, аёлнинг аҳволи яхшиланиб, рангига ранг қўшилибди.

Фалаж давоси

Ҳикоят: Табриз подшоҳи касалликка мубтало бўлиб, икки оёғи ҳаракатсизланиб қолибди. Табиблардан ҳеч бири уни даволай олмабди. Шунда Табриз ҳокими амир Сомонийга кўп туҳфалар жўнатиб, ўзини даволаш учун Абу Алини Бухородан Табризга жўнатишларини илтимос қилибди. Абу Али йўл ҳозирлигини кўрибди. Сафарда Ҳаммораболи исмли бир шогирдини учратиб қолиб, уни ҳам ўзига ҳамроҳ қилиб олибди. Табриз подшоҳи уларни чуқур эъзоз ва эҳтиром билан истиқбол этибди. Абу Али Ҳаммораболи ёрдамида подшоҳ оёқларини даволай бошлабди. Қирқ кун ўтгач Абу Али ҳаммомчига буюribди:

— Ҳаммомни обдон иситгач, подшоҳнинг бир ўзини таклиф этинг. Чор тарафда бирор кимса бўлмасин. Ҳаммом эшиги олдига эса тезучар от келтириб қўйинг.

Подшо ҳаммомда танҳо ўтирган пайтда Абу Али белида шамшир билан унинг ҳузурига кирибди. Шамширини ғилофидан суғуриб олиб, унинг учини подшоҳнинг биқинига тиргабди. Подшоҳни мазах қилибди, аччиқ дашном сўзларини айтибди. Подшоҳ қаҳрагазабдан тебраниб, тили калимага келмай қолибди. Абу Али эса уни таҳқирлашни давом эттирибди. Ниҳоят, подшоҳ зардаси қайнаб, даст ўрнидан кўтарилибди.

Абу Али унинг оёққа турганини кўриб, дарҳол ҳаммомдан отилиб чиқибди-да, ҳозирлаб қўйилган саман отга минибди. Сўнг қамчига зўр бериб, Бас, шундай экан, заҳарланган сутни ичай-да, жонимни азобдан халос этай!

Сўнгра косадаги сутнинг ҳаммасини ичибди. Бир оз муддат ўтгач, кутганига аксинча аҳволи лаҳза сайин яхшилана бериб-ди. Бир неча кундан кейин эса ўзини бутунлай тетик ҳис қила бошлабди. У яна Абу Али ўтадиган йўл ёқасига келибди ва унга «Эй буюк шифокор, сен мени даволашни истамай рад этдинг, лекин менга тангрим шифо берди», — деб эътироз билдирмоқчи бўлибди. Абу Али ун кўргани замонок таажжубланиб сўрабди:

— Эй марҳаматли афъи илоннинг сўлатини қаердан ва қай тарзда қўлга киритдингиз? Сизнинг касалингизнинг давоси фақат шунда эди. Сизни биринчи дафъа кўрганимда бу нарсани топиш ғайри мумкин бўлганлиги туфайли сизнинг олдингиздан хомуш ўтиб кетган эдим.

Мазкур киши айб Абу Алида эмаслигини тушуниб, унга афъи илоннинг заҳарини қандай қилиб қўлга киритганлигини батафсил айтиб бербди.

Игна билан даволаш усули

Ҳикоят қилишларича, амир Сомоний харамидаги аёлларидан бири касал бўлиб қолиб, унинг лолагун чеҳраси заъфарон ҳолатга келибди. Ҳакимлар унинг дардига даво топа олмабдилар. Навбат Абу Алига етибди. Амир Сомоний Абу Алини ўз ҳузурига чақиртириб, унга бемор аёл аҳволини баён қилибди. Абу Али бемор аёл ётган хонага парда тортишларини илтимос қилибди. Сўнг хонага кириб, парда орқасига ўтирибди. Хизматкорларга аёлнинг бош бармоғига ингичка ип боғлаб унга келтиришларини сўрабди. Ипни қўлига ушлаб, унинг тебранишидан беморнинг касали иллатини аниқлабди. Шундан кейин бирор идишга кул солиб келтиришларини ва бемор аёл ўнг оёғини кул устига қўйиб маҳкам босиши кераклигини уқтирибди. Аёлнинг оёқ изи тушган идишдаги кулни Абу Алига олиб келибдилар. Абу Али аёлнинг оёқ изи тушган ерга бир ништар кўмиб қўйибди ва хизматкорларга бемор аёл оёғининг изи тушган ерга оёғини қўйиб, яна ҳам маҳкам босиши лозимлигини тайинлабди. Аёл оёғини кулдаги из тушган ерга қўйиб, қаттиқ босган экан, ништар касалликка сабаб бўлган томирга санчилибди. Бемор «дод» уриб, ҳушидан кетибди. Харамдаги хизматкорлар аёл оёғидаги ништарни тортиб олибдилар. Жароҳатланган жойдан бир неча томчи қон оқибди. Бир неча кун ўтгач, аёлнинг аҳволи яхшиланиб, рангига ранг қўшилибди.

Фалаж давоси

Ҳикоят: Табриз подшоҳи касалликка мубтало бўлиб, икки оёғи ҳаракатсизланиб қолибди. Табиблардан ҳеч бири уни даволай олмабди. Шунда Табриз ҳокими амир Сомонийга кўп туҳфалар жўнатиб, ўзини даволаш учун Абу Алини Бухородан Табризга жўнатишларини илтимос қилибди. Абу Али йўл ҳозирлигини кўрибди. Сафарда Ҳаммораболи исмли бир шогирдини учратиб қолиб, уни ҳам ўзига ҳамроҳ қилиб олибди. Табриз подшоҳи уларни чуқур эъзоз ва эҳтиром билан истиқбол этибди. Абу Али Ҳаммораболи ёрдамида подшоҳ оёқларини даволай бошлабди. Қирқ кун ўтгач Абу Али ҳаммомчига буюribди:

— Ҳаммомни обдон иситгач, подшоҳнинг бир ўзини таклиф этинг. Чор тарафда бирор кимса бўлмасин. Ҳаммом эшиги олдига эса тезучар от келтириб қўйинг.

Подшо ҳаммомда танҳо ўтирган пайтда Абу Али белида шамшир билан унинг ҳузурига кирибди. Шамширини ғилофидан суғуриб олиб, унинг учини подшоҳнинг биқинига тиргабди. Подшоҳни мазах қилибди, аччиқ дашном сўзларини айтибди. Подшоҳ қаҳрагазабдан тебраниб, тили калимага келмай қолибди. Абу Али эса уни таҳқирлашни давом эттирибди. Ниҳоят, подшоҳ зардаси қайнаб, даст ўрнидан кўтарилибди.

Абу Али унинг оёққа турганини кўриб, дарҳол ҳаммомдан отилиб чиқибди-да, ҳозирлаб қўйилган саман отга минибди. Сўнг қамчига зўр бериб, Подшоҳ фарёд уриб, ерга беҳуш йиқилибди. Хизматкорлар соҳибларининг додини эшитганлари ҳамоноқ зудликда етиб келибдилар. Қарасалар, соҳибқирон ерда беҳуш ётган эмиш. Абу Алидан эса дарак йўқ эмиш. Улар Абу Али шоҳни ўлдирган деб гумонсираб турганларида, подшоҳ ҳушига келибди. У Абу Алини топиб, бошини танасидан жудо қилиб келтиришларини буюribди. Чопарлар Абу Алини ҳибсга олибдилар. Лекин подшоҳ ўз буйруғини ўзгартириб қолишдан қўрқиб, уни ўлдирмабдилар. Қўл-оёғини маҳкам боғлаб, Табризга йўл олибдилар.

Бу орада подшоҳ тамомила ўзига келиб, оёқларида касалликдан асар ҳам қолмай, ўз аслига қайтганлигига имон келтирди. Шунда Абу Али «ҳақорат»лари бежиз бўлмаганлигини, унинг мақсади даволаш эканлигини тушунибди. Берган фармонига ачиниб, Абу Алини тириклайин ҳурмат билан келтириш учун юбормоқчи бўлиб турган экан, шу лаҳзада чопарлар Абу Алининг қўл-оёғи боғланган ҳолда келтирибдилар.

Подшоҳ Абу Алидан узр сўраб, бир неча кун Табризда меҳмон бўлиб қолишини илтимос қилибди. Абу Али таклифга жавобан шундай дебди:

—Сиз билан менинг орамда бўлиб ўтган воқеа дарвеш Исфаҳоний ва аждарҳо ҳақидаги қиссани эслатади.

Шундан сўнг Абу Али шоҳнинг қистови билан қуйидаги қиссани айтиб берибди:

Бир дарвиш Исфаҳон четидаги ташландиқ боғда яшар экан. Бу боғнинг бир гўшасида эса ғор бўлиб, унинг ичида баҳайбат аждарҳо бор эди. Дарвиш ва аждар орасидаги муносабат дўстона бўлиб, у ҳар куни идишга сут солиб, ғор оғзига келтириб қўярди. Аждар эса сутни ичиб, бўш идиш ичига бир динор ташлади-да ғор ичига кириб кетарди. Унинг бадҳулқ ўғли бор экан. У отасининг кун сайин бойиб бораётганлигини кўриб, отасидан бунинг сабабини айтишини, акс ҳолда подшоҳга хабар етказиб, уни тавбасига таянтиришини айтибди. Бечора дарвиш ночор бўлган воқеани рўйрост ўғлига айтиб берибди:

Эртаси куни ўғил отасининг эътиқозларига қарамай, бир идишга сут солиб, ғор лабига келтириб қўйибди. Ўзи шамширини ялангочлаб, бир бурчакка яшириниб олибди. Аждар сутни ичиб, ғорга қайтиб кирмоқчи бўлиб турганида, шумниат ўғил аждарга шитоб билан килич солибди ва унинг думидан бир қисмини узиб ташлабди. Аждар дарғазаб ҳолда унга заҳар сочиб ўлдирибди.

Ўғлидан хабар бўлавермагач, дарвиш ташвишланиб ғор олдига келибди. Кўрсаки, бир тарафда аждарнинг кесилган думи, иккинчи тарафда эса ўғлининг жасади ётганмиш. У дарҳол айб бадкирдор ўғлида эканлигини англабди. Ғорга яқинлашиб, узромуз оҳангда шундай дебди:

—Эй илонлар шоҳи! Менинг бадбахт ўғлим сизга нисбатан қилган қилмишига яраша жазосини топибди. Менда айб йўқ, келинг дўстлигимизни давом эттирайлик.

Бировгаким бировдик етди офат,
Ҳамоноким қатиғроқдур мукофот.

Бунга жавобан ғордан шундай жавоб эшитилибди:

—Эй дарвиш! Бизнинг муносабатларимиз энди тикланмайди. Чунки ҳар гал мени кўрганингда ўғлингни ёдга оласан ва мен эса сени кўрганимда кесилган думим ва ўғлингнинг разиллигини хотирлайман. Шу тариқа иккимизнинг дилимизда гинаю-кудурат пайдо бўлиб, қалбимиз жароҳати янгиланади.

Шундан сўнг дарвиш қалча зору-нола қилмасин, ғордан ҳеч садо чиқмабди.

Абу Али ҳикоятни якунлагач, подшоҳга юзланиб шундай дебди:

—Эй подшоҳ. Қиссадан ҳисса шуким, сиз ҳам ҳар гал менга кўрганингизда сизга қилган беодоблигимни ва ҳақоратомуз дашномларимни эслагайсиз. Мен эса сизни кўрганимда одамларингиз менга етказган азобу уқубатларни ёдга оламан. Шу тарзда орамиздаги муносабатга совуққонлик тушади. Ижозат берсангиз, шу бугуноқ шаҳримга қайтсам.

Подшо бунга жавобан ҳеч нарса демабди ва Абу Алига кўп савга-саломлар ҳаля этиб, иззатикром билан уни ўз ватанига кузатиб қўйибди.

Сезгирлик

Нақл килурларким, Абу Али Мансур бинни Нух Сомонийга шундай дебди:

—Менинг мутолаа қилиш вактим саҳар палласидир. Аммо айни шу маҳалда Бухоро бўёқчилари тарақ-туруқ садолари билан менга халал берадилар.

Ямин-уд Давла таажжубланиб:

—Бундан сўнг саҳар вақти бўёқчилар, шовқин солманглар!

Бир неч: кун ўтгач, Абу Али яна подшоҳга юзланибди:

— Самарқанд бўёқчилари тарақ-туруқ қилиб, хотирамни паришон этаётирлар.

Ямин-уд-Давла таажжубланиб ўзича ўйлабди: «Воажаб, нахотки Самарқанддаги овозни Бухорода турган кимса эшита олса?» Лекин бу ҳақда Абу Алига ҳеч нарса демабди. Абу Али ҳам Ямин-уд-Давланинг гапларидан шубҳаланганини сезса-да, бу борада сўз очмабди. Бир оз муддат ўтгач, Абу Али подшоҳ ҳузурига ташриф буюриб, шундай дебди:

—Бу кеча Самарқандан ҳеч қандай товуш эшитилмади. Нима воқеа рўй берган бўлиши мумкин?

Ямин-уд-Давла филҳол нома ёзиб. Самарқандга чопар юборибди. Чопар шундай хабар келтирибди:

—Мазкур кеча бўёқчилар бошлиғи қазо этиб, ўзлари ишламабдилар.

Вокеани эшитган Ямин-уд-Давла Абу Алининг заковатига ва ҳиссиётига мафтун бўлибди. Унга бўлган эътиқоди янада ортибди.

Шер ва эшик

Айтишларича, амир Сомоний бир куни Абу Алини имтиҳон қилмоқчи бўлиб, унга шундай деб мурожаат қилибди:

—Эй ҳаким, агар бугун менинг қайси эшикдан ташқарига чиқишимни айтиб бера олсанг, бундан сўнг сенинг барча гапларингни бедалил қабул қилурмен.

Абу Али шундай жавоб берибди:

—Бугун орқангизда жойлашган эшикдан ташқарига чиқурсиз!

Ямин-уд Давла ўзича: «Мен албатта у айтгандан бошқа эшикдан ташқари чиқаман» деб аҳд қилибди.

Ямин-уд-Давла саройида йиртқич шер боқилар экан. Подшоҳ шерни келтириб, унга луқма беришларини амр қилибди. Шернинг олдига калла-поча ташлаганларида Ямин-уд-Давла шербонга шундай дебди:

—Каллани унинг олдидан тортиб-тортиб ол-да, ғашига теккин!

Шербон шоҳнинг амрини бажараётган экан, бир вақт шернинг бўйнидаги занжир ечилиб кетиб, у тўғри Ямин-уд-Давла ўтирган ерга югуриб кела бошлабди. Подшоҳ қўрқканидан аъзои сакраб туриб, беихтиёр Абу Али айтган эшикдан ташқари чиқибди.

Ямин-уд-Давла Абу Али заковатига офарин айтиб, унга зарсалла кийгизишларини амр этибди.

Курси ва тўрт танга

Нақл қилишларича, кунлардан бирида Наср Сомоний Абу Алини текширимоқчи бўлиб, хизматкорларига у ўтирадиган курси тагига тўрт танга қўйишларини буюribди. Абу Алининг бундан ҳеч хабари йўқ эди. У амир ҳузурига келгач, курсига ўтирибди-да, бир осмонга, бир ерга қараб, таажжуб билан бошини қимирлатибди. Амир Сомоний шундай дебди:

—Замон ҳакимини нима бу қадар ҳайратлантирди?

Абу Али бундай жавоб берибди:

—Бугун ҳис қилишимча, ёки менинг курсим бир қарич баландроқ кўтарилган, ёки осмон шу қадар ерга яқинлашган.

Амир Сомоний ва давлат арконлари Абу Алининг ўткир ҳиссиётига таҳсин ўқибдилар.

Жоҳил табиб ва ибн Сино ғайрати

Айтишларича, Ямин-уд-Давла касал бўлиб қолиб, бир жоҳил табибни чақиртирибди. Табиб доналик қилиб илму-ҳикматдан лоф урибди. У замонда Абу Али ҳали тиббиётдан яхши хабардор бўлмаганлиги учун мажлис аҳлига аралаша олмабди. Табиб ўзини доно кўрсатишга ҳаракат қилаётганлигини, аслида гаплари илмий мағиздан ҳоли эканлигини сезса-да, бирор қатъий фикр айта олмаслигидан қаттиқ афсусланибди. Саройи аҳли тарқаб, Абу Али ўйнга қайтгач, ўзича аҳд қилибди: «Токи шу илмни ўрганиб олмагунимча Ямин-уд-Давла саройида кўринмайман».

Абу Али шаҳар четидаги машҳур табибга шогирд тушиб, ғайрату-шижоат билан кунларни тунларга улаб, тиббиёт сирларини ўргана бошлабди. Бу орада Ямин-уд-Давла Абу Алини бир неча бор йўқлабди. Орадан роса бир йил ўтгач, Абу Али тиббиёт ҳақида ажойиб китоб ёзиб, уни Ямин-уд-Давлага тақдим этибди. Сарой аҳли ва халқ бундан хабар топиб, унинг тиришқоқлиги, ғайратига офаринлар айтишибди.

Пўлат кўзгу ва даҳшатли жонивор

Айтишларича, Бухоро вилоятида бир жонивор пайдо бўлибди. Уни кўрган одам шу заҳоти тил тортмай ўлар экан. Мана шу ҳолни ажалдан кўп одам ва ҳайвонлар қирилибди. Одамлар уни йўқ қилиш чорасини тополмай аклан ожиз ва таажжубда эдилар. Хулласи калом, улар Абу Али ҳузурига нажот излаб келибдилар. Абу Али шундай дебди:

—Пўлатга шундай сайқал беринглар-ки, кўзгудек ҳолатга келсин. Сўнгра бир киши бу кўзгуни юзи устида ушлаб, ул жониворга рўпара бўлсин.

Унинг айтганларини бажо келтириб, бир киши жониворга яқинлашибди. Мазкур ҳайвон кўзгуда ўз аксини кўриб ерга йиқилибди ва ўлибди.

Абу Али ўз замонасининг ҳар мушкулини ҳал қилишга барча илмини сарф этган ана шундай жувонмард инсон бўлган эди.

Ибн Синонинг ўлими

Айтишларича, у Табриз шаҳридан Бухорога қайтгач, исҳол (ичкетар) касалига чалинибди. Касаллигининг қирқинчи куни Амир Сомоний ўз аъёнлари билан унинг ҳолидан хабар олгани келибди:

—Эй ҳаким, дунёдаги барча дардларга даво топа олдингку, нечун шу оддий касалга келганда ўзинг нойлож аҳволда қолибсан?

Абу Али ёстиғининг тагидан дори ўралган қоғозни олибди-да, уни кўза ичига ташлашларини, бир лаҳза ўтгач эса кўзани синдиришларини буюribди. Одамлар унинг айтганларини қилиб, кўзани синдириб кўрсалар, ичидаги ҳамма сув тошдек яхлаб қолган эмиш. Шунда Абу Али амир Сомонийга мурожаат қилибди:

Кўза ичига ташланган дори бир мисқол эди, холос. Мен эса ҳар куни шу доридан етти мисқолни ичаман, аммо ҳеч бир нафи тегмаётибди. Демак, ҳаётим қуёши ботмоқда.

Уч кун ўтгач, Абу Али ибн Сино вафот этибди. Одамлар буюк олимни қайғу-алам билан дафн этибдилар.

Форс тилидан шарқшунос
Ҳабибулла КАРОМАТОВ
таржимаси.



Афшона—оламга донги кетган буюк мутафаккир олим Абу Али ибн Сино бундан минг йил муқаддам ана шу қишлоқда дунёга келган эди. Ҳозир ана шу қишлоқ Пешку районидаги Абу Али ибн Сино номли колхознинг марказий усадьбаси ҳисобланади.

СУРАТЛАРДА: бугунги Афшона; янги Афшона қурилишида область таъмирчилик устахонасининг уста лари (чапдан-ўнгга) Комил Отаев ва Ҳалим Набиев фаол иштирок этиш мо ҳда.

Ш. Алимов фотолари. (ЎзТАГ).

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

О. ЗОКИРОВ: Ўз хоҳишимга кўра ишдан бўшаган кунимнинг эртасига касал бўлиб қолдим. Хасталигим бир ойдан ортиқроқ давом этади. Лекин мен ишлайдиган корхона касаба ба союз маҳаллий комитети менга берилган касаллик варақасига ҳақ тўламади. Шу тўғрими?

Жавоб: Давлат социал страхованиеси бўйича вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз кишиларга нафақалар белгилаш ва тўлаш бўйича амалдаги қоидага мувофиқ, ишчи ёки хизматчининг меҳнатга лаёқатсизлиги агар улар ишлаётган пайтларида ёхуд ишдан бўшаётган кунларида рўй берса, уларга касаллик варақаси учун нафақа тўланади. Ишдан бўшаш куни ишнинг сўнгги куни ҳисобланади. Ишдан бўшагандан сўнг ишчи вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолса, бундай ҳолларда уларга нафақалар тўланмайди. Бинобарин Сиз ишлайдиган корхона касаба союз маҳаллий комитети тўғри йўл тутган.

* * *

Ҳ. РАУПОВ: Турар жойни ижарага олувчи истаган вақтида шартномани бекор қилиши мумкинми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Турар жой ижараси шартномаси ижарага олувчининг бир томонлама ариза-си бўйича ҳар қачон бекор қилиниши мумкин. Қонун турар жойни ижарага олувчига шартномани бекор қилишни истаганлиги тўғрисида аввалдан огоҳлантириш бурчини юкламайди. Турар жой ижараси шартномаси бекор қилинган пайтдан бошлаб ижарага олувчи ўз бурчларини бажаришдан, жумладан квартира ҳақини тўлашдан озод қилинади. Шу пайтдан эътиборан ижарага олувчи турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам йўқотади.

Ижара шартномасини бекор қилган ижарага олувчи турар жойни тузук ҳолатда ижарага берувчига топширишга мажбур. Ижарага олувчига юклатилган ремонт бажарилмаганда унинг қиймати, шунингдек ижарага олувчининг айби билан турар жойга етказилган зарарларни қоплаш ҳаражатлари белгиланган тартибда ижарага олувчидан ундирилади. Ижарага олувчи томонидан турар жой яхшиланганида ва унинг томонидан баъзи ускуналар қўйилганида, агар уларни кўчириб олиш бинога зарар етказадиган бўлса— уларни кўчириб олиш ман этилади.

* * *

М. РАҲМАТОВА: Зеб-зийнат буюмларини ремонт қиладиган устахона қаерда жойлашган? Шу ҳақда билмоқчи эдим.

Жавоб: Шаҳримизнинг Весна кўчасидаги 223-уйда жойлашган «Техсложбитриб о р» ишлаб чиқариш бирлашмаси аҳолига кўплаб хизмат турларини кўрсатмоқда. Жумладан, бу ерда турли-туман заргарлик буюмлари ремонт қилинади. Бундан ташқари аҳоли буюртмасига кўра ҳар хил зебзийнат буюмлари ҳам тайёрлаб берилади.

* * *

Р. ҒАНИЕВА: Эшитишимга қараганда Москва темир йўлида Улуғ Октябрь, гражданлар ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари номлари билан аталувчи поездлар қатнови йўлга қўйилган экан. Шу ҳақда қисқача маълумот бера олмайсизми?

Жавоб: Москва темир йўлида махсус номга эга бўлган 20 та электр поездлари қатнови йўлга қўйилган. Улар орасида Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари шарафига қўйилган поездлар ҳам бор. «Генерал Карбишев», «Панфи

МЎЪЖИЗАСИЗ МЎЪЖИЗАЛАР «УЧҚУН»

ЧИҚАРАДИГАН КЎЙЛАК

Синтетик толалардан тайёрланган матоларда статик электр таъсирида учқун чиқади. Бу учқун одам танасига қанчалик таъсир этиши тўлиқ аниқланган эмас. Одатда учқун чиқишини синтетик толадан тайёрланган кийимни қоронғироқ хонада кийиш ва ечиш вақтида сезиш мумкин.

Бундай «микрояшин»нинг ҳосил бўлишига синтетик толаларда ҳосил бўлган электр зарядлари сабаб бўлади. Электр заряди атрофида ҳосил бўлган электр майдонининг организмга маълум биологик таъсири бор. Бу ҳодиса ҳозирча унча чуқур ўрганилмаган. Лекин худди ҳаводаги манфий аэрононлар сингари манфий зарядлар организм учун анча яхши таъсир қилиши аниқланган.

Перхлорвинил толаларда манфий зарядланиш бор бўлганлиги учун мушаклардаги оғриқни камайтириш, асаб бузилишини пасайтиришда яхши натижа бериши маълум. Бу тола асосида тайёрланган маҳсулотлар билан майда қон томирларини, сподилез, остеохондрозларни даволаш яхши натижаларга олиб келмоқда. Мусбат зарядлар атрофида худди ҳаводаги мусбат аэрононлар муҳитидаги сингари кишининг асаб, қон-томир ва организмнинг бошқа функционал группаларида ҳар хил патологик реакцияларга олиб келади. Бу майдонда турган одамнинг боши айланиши, бош оғриғи, юрак уришидаги қандайдир ишончсизлик, уйқу қочиши, тез чарчаши, хуллас организмнинг тез шамоллаши ва ҳар хил касалликларга чидам бермай қолишига сабаб бўлади. Бу эса организм тўқималари орасида нормал электр таъсирларининг бузилишига олиб келади.

Маълумки, одамнинг бирор организми токли предметга тегиб кетса, қаттиқ қўрқув сезади. Кўпгина газларнинг ва уларда аралаш ҳолда бўлган моддаларнинг электр майдонида ионланиши туфайли заҳарлилиги ошиб боради. Агар бу ҳодиса одам билан биргаликда деб фараз қилсак, бунда киши заҳарли газларни янада кўп ўзига ютади.

Бунн қарангки, ҳатто матода учқун чиқиб ёнғин бўлган ҳоллар ҳам маълум. Бу борада автомобиль ҳаваскорларига полиэтилендан ва полихлорвинилдан тайёрланган идишларда бензин олиб юриш ҳавфлилигини эслатиб ўтиш керак. Чунки бу синтетик полимерларда статик электр токи бўлиб, силкиниш пайтида ҳосил бўлган учқун бензиннинг алангаланиб кетишига сабаб бўлади. Гарчи бўёғи кўчган бўлса-да, металлдан тайёрланган идишлар бензинни олиб юришда ҳавфсиздир.

Хўш, синтетик материалларда шунчалик камчилик бор экан, ундан қандай қутилиш мумкин? Албатта табиий толалардан тайёрланган буюмлар бўлса, бу ҳақда бош қотиришнинг кераги йўқ. Пахта, каноп, жун, ипаклардан тайёрланган буюмлар ишончсизлик, уйқу ҳамма талабларни қоплай олмайди. Демак, синтетик материалларда ҳосил бўладиган статик электр токини йўқотиш устида бош қотириш керак. Қандай қилиб?

Бугунги кунда бу муаммони ечилган деса бўлади. Олимлар томонидан излаб топилган электр зарядини зарядсизлайдиган антистатик деб аталган моддалар саноатда ишлаб чиқарилмоқда. Магазинларда ҳар хил упаковкадаги антистатик моддаларни топса бўлади. Мисол учун «Лана» ва «Лана—1»ни келтириш мумкин. Анча қулай аэрозол типидаги идишда жойлаштирилган антистатик моддани юқоридаги вентилини босиб керакли жойга сепиш мумкин. Натижада статик электр токи берадиган материаллардан тайёрланган буюмларни кийиб, у ювилгунча ёки ёмғир ёққунча юраверишн мумкин.

Антистатик моддалар пластмасса ва алюминий идишларда паста ҳолатида ҳам сотилади. Улар сувда эритилиб, зарур жойлар ҳўлланса статик электр заряди йўқолади. Аммо бу типдаги антистатиклар билан ҳар қандай буюмга ишлов бериш қийин. Сўнгги вақтларда кир ювувчи воситаларнинг функциясини ошириш мақсадида улар таркибига ҳам антистатиклар қўшилмоқда. Бундай сунъий ювувчи воситаларга «Вита», «Элона», «Эридан»ларни мисол қилса бўлади.

Яқин йилларда илк бор капрон кўйлаклар мода бўлганда, ҳамма ундан тўқилган буюмларга ҳавас қилар эди. Қордай оппоқ, бежирим, ювилиши ва қуриши осон эди. Аммо кейинчалик маълум бўлишича, капроннинг ёқа ва енглари тез ейилиб адо бўлиши, ювилавергач ранги сарғайиши, ҳатто кулрангга айланиб кетиши ҳам маълум бўлди. Аммо капрон толаси олиш учун саноатда қанчақанча завод ва фабрикалар ишга туширилган. Капрондан кечиб, заводларни тўхтатиш керакми? Албатта йўқ. Умуман олганда капроннинг ютуқ томонлари ҳам бор. Унинг сифатини яна ошириш учун камчиликларини йўқотиш керак. Юқорида зикр этилган «Эридон» бу камчиликларни йўқотишда анча катта роль ўйнайди. Биринчидан, «Эридон» капрон кўйлакдан статик электр зарядини йўқотади, иккинчидан бошқа буюмлардан, ҳатто пайпоқдаги статик электр токини йўқотади. Бу эса ўз навбатида буюмнинг камроқ ифлос бўлишига олиб келади. Учинчидан «Эридон»нинг таркибида оптик оқартирувчилар бўлганлиги учун материалнинг дастлабки оқлигини тиклайди, тўртинчидан, буюмни ювиш пайтида ҳосил бўлган қаттиқ қисмларни юмшатади. «Эридон» порошогининг бундай кўп хиллик яхши хусуснятлари таркибининг мураккаб эканлигидандир. Унда 9 та ҳар хил моддалар мавжуд. Бу жуда ҳам зарур порошокни ВНИИХИМ — Бутуниттифоқ кимё саноати илмий-текшириш ва лойиҳалаш институтн ходимлари А. Г. Никитенко ва С. А. Веришагин яратдилар. Улар тўртта сирт актив моддадан ва жами 9 моддадан шундай синтетик ювувчи букет тайёрладилар.

А. АБДУВАҲОБОВ, Т. РАСУЛЕВ.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ



Латвия Совет Социалистик Республикасининг пойтахти — Рига кўп сонли туристларни ўзининг архитектура ёдгорликлари, сўлим ороғмоҳлари, ҳамиша гавжум бўладиган денгиз соҳиллари билан ўзига жалб этади.

СУРАТЛАРДА: юқорида — Ригаининг Ленин проспектида қад кўтарган Озодлик монументи узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб туради; пастда — ўрта аср архитектураси намуналаридан — шаҳар черковларининг гумбазлари.

Ҳ. Шодиев фотолари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КИНО

19 АВГУСТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«КИНО ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР»— **Фестиваль.**

«БОРИС БАБОЧКИН» — **Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ДОКТОР МЛАДЕН»— **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-32). **Восток** (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).

«КЎРИК»— **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ИНЖЕНЕР ГРАФТИО»— **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

20 АВГУСТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЕҚИМТОЙ ҲАЙВОННИНГ СИРИ» — **Москва.**

«КИНО ЎЗИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ»— **Фестиваль.**

«БОРИС БАБОЧКИН»—**Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ДОКТОР МЛАДЕН» — **Восток** (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).

«КЎРИК»— **Қ. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ИНЖЕНЕР ГРАФТИО» —**Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76.

21 АВГУСТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЕҚИМТОЙ ҲАЙВОННИНГ СИРИ» — **Москва.**

«КИНО ЎЗИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ»— **Фестиваль.**

«БОРИС БАБОЧКИН»—**Қозоғистон.**

«ФИЛЬМНИ СУРАТГА ОЛИШ ПАЙТИДА» — **Чайка.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АРТИСТ»НИНГ СЎНГГИ ГАСТРОЛИ» —**К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66). **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

«ИНЖЕНЕР ГРАФТИО»—**Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

21 август соат 19.30 да

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «НЕФТЧИ» (Боку)

олий лига командалари ўртасида

ФУТБОЛ

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА

1981 йил учун

ИДОРАВИЙ ОБУНА ДАВОМ ЭТАДИ

Обуна Союзпечать агентликларида 31 августгача расмийлаштирилади.

1 сентябрдан кейин тўланган заявкалар қабул қилинмайди.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ **МУЗЕЙИДА**

(Пролетар кўчаси, 16-уй)

«Бухоро зардўзи»

КЎРГАЗМАСИ

(музей фондидан)

ОЧИЛДИ

Кўргазма ҳар куни соат 10.30 дан 18.00 гача, душанба куни эса соат 15.00 гача ишлайди. Дам олиш куни — сешанба.

Справкалар олиш учун телефон 32-73-45.

27 АВГУСТ СОАТ 19.00 ДА

Э. ТЕЛЬМАН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

«СОВЕТ КИНОСИ КУНИ»

ЎТКАЗИЛАДИ

ПРОГРАММАДА: **тантанали мажлис, совет кинематографияси арбоблари, республика киноҳаваскорлар клуби аъзолари билан учрашувлар, янги бадиий фильм, хроникал-ҳужжатли лента лар, «Фитиль» ва «Наштар» сатирик киножурналлари, болалар мультипликацион фильмлари намойиш қилинади, эстрада ансамбллари ва бошқа бадиий коллективларнинг чиқишлари, кинофильмлардан куйлар ва қўшиқлар, байрам мушакбозлиги.**

Кириш бепул.

РЕСПУБЛИКА КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ.

БУТУНИТТИФОҚ ГИДРОМАШИНАСОЗЛИК, КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ

ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ

(СредазВНИИТидромаш)

қудуқ ва химия насослари лабораториясн мудири вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати —эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Бектемир шаҳри, Лихачев кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

М. З. МИРЗААҲМЕДОВ НОМЛИ 4-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1980—81 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синф тамомлаганлар ўзбек ва рус группаларига қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати —3 йил.

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **пайвандчи-кабелчи, монтажчи-алоқачи-кабелчи, қишлоқ телефон алоқалари, радиолаштириш монтёри, АТС станция ускуналари монтёри, (автомат телефон станцияси), СТС (қишлоқ телефон алоқалари) станция ускуналари монтёри, станция телефон алоқа ускуналари монтёри, радио оператор (гидрометеорология хизмати), шаҳар телефон алоқалари (РТС) монтёри.**

Ўрта маълумот билан ўқишга кирувчи қизлар учун махсус телефонистка ва телеграфчи группалари ташкил этилган. Ўқиш муддати —1 йил.

15—15,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар. Билим юртига кирганлар давлат томонидан таъминланадилар, бошқа шаҳарлардан келган ўсмирлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртини битириб чиққанларга касб эгаллаганлиги ва ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳоларда тамомлаганлар олий ўқув юртларига конкурссиз кириш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Машғулотлар 1980 йил 1 сентябрдаан бошланади.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, (кўчирма нусхаси), маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асли), мактабдан характеристика, турар жойидан, ота-онасининг иш ойларидан справкалар; медицина справкаси (286-форма); 6 та фотосурат (3х4 см.).

Билим юртн адреси: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй. Телефонлар: 33-07-77, 33-07-65, 33-07-85, 33-07-44.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

19 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.45 «КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК». «Приморье боғичилари, Ишлар ва ташвишлар». Кўрсатувда КПСС Приморье ўлка комитетининг секретари Н. Т. Хромовский иштирок этади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Олимпиада-80». 27 июль кинокундалиги. 19.50 «Лўли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. А. Калининнинг шу номли повести асосида. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 СССР халқ артисти М. Биешу концерти. «Олимпиада-80». маданий программаси концертлари туркумидан. Танаффус пайтида (22.40) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Халқаро панорама».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.). 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади, «Интернационал дўстлик клуби». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Шеърият дафтаридан». Ҳ. Гулом. 20.05 «Фан уфқлари». 20.30 «Ахборот». 20.50 Мулла Тўйчи Тошмухамедов номли Қашқадарё драма ва комедия театри солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш». 22.20 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади». «Учинчи меҳнат семестри». 20.55 Новеллалар кутубхонаси. Бадиий ўқиш (рус.). 21.30 «Бизнинг бош мухбиримиздан». (рус.). 22.00 «Бир актёр театри». М. Ю. Лермонтов. «Мцири». 22.50 «Кўза». Телевизион бадиий фильм. (рус.).

20 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси: «Днепрдаги Комсомольск», «Бахтли оила», «Калинино қишлоғи увертюраси». 16.10 «Рус тили». 16.40 РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Шелкалин куйлайди. Воронеждан олиб кўрсатилади. 17.05 «Горнчилар, қаердасиз!». 17.25 «Подмосковье диалоглари». 17.55 «Эртакдагидек олам». Фильм-концерт. 18.25 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». Москва 1-мебель йиғув комбинатининг коллективи ҳақида. 18.40 «Расмларда қуёш акси бор». 18.55 «Олимпиада-80». 28 июль кинокундалиги. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Биз сен билан, ўртоқ». М. Таривердиевнинг М. Светлов шеърига басталаган вокал туркуми. Фильм-концерт. 19.50 «Олимпиадачилар уйларига қайтишди». 20.05 «Лўли». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Нима? Қачон? Қаерда?». Телевизион викторина. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 Г. Доницеттининг «Қўнғироқча» комик операси. Ижрочилар: С. М. Киров номли Давлат академик опера ва балет театрининг артистлари. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Бўғоч оқизиш». Телевизион очерк. 22.45 С. Прокофьев ва П. Сарасате асарларини Бутуниттифоқ ва Халқаро конкурслар лауреати А. Корсаков ижро этади (скрипка). 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Музикали киоск». 23.45 «Лирик майда-чуйдалар». Ҳужжатли фильм. 23.55 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун концерт. 12.00 «Ақлли буюмлар». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 2-серия. (рус.). 13.05 «Юртим тароналари». Шеърий композиция. 13.35 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ҳар қандай ёлғончи жазоланади». Мультфильм (Румния). 18.30 «Ёш куч». Мактаб ўқувчилари учун спорт кўрсатуви. 19.00 «Ичкиликбозликка карши кураш». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қ. Дўстмухамедова ва А. Шукуров концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қалбим аро қўшигим сизга». СССР халқ артисти Л. Зикинанинг Жиззах области чўлқувварлари билан учрашуви ҳақида видеофильм премьераси. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ишга тушириладиган объектлар ўз муддатида». Поп шаҳри тўқилмаган газламалар фабрикаси ва Қўқон ип-йигирув пайпоқ-тўқув комбинатининг қурувчилари мусобақалашмоқдалар. 22.30 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-серия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. «Иссиқ нон». (рус.). 20.45 «Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида». 21.15 Реклама. 21.30 «Совет жанчиси» почтаси. 22.00 «Ярим кечада учрашув». Музикали новелла. 22.20 «Андроников сўзи». Бадиий ўқиш. 1-фильм. (рус.).

▲ ЁЗ ГАШТИ

ЧОРВОҚ ҚУЧОҒИДА

Хушманзара тоғ қўйнида жойлашган студентлар спорт ва саломатлик лагери радиокарнайидан диктор овози янгради:

—Қўшни лагерь командаси билан ўтказилган футбол мусобақасида университетимиз студентлари ғалаба қозонишди.

Қулоқ солиб турганлар хурсандликдан чапак чалиб юборишди. Шунингдек, спортнинг бошқа турлари бўйича ўтказилган мусобақалар ғолиблари ҳам эълон қилинди.

Тошкент область Бўстонлиқ районн Юсупхона қишлоғида жойлашган Тошкент Давлат университети студентларининг лагерида ҳаёт ҳар куни шундай қизғин ўтади.

Ороғмоқ дарвозасидан кираверишда чап томонда футбол, волейбол, баскетбол майдончалари кўзга ташланади. Студентлар бир томонда бадминтон ўйин билан, бир томонда стол тенниси билан машғул. Бу ерда қатор палаткаларда студентлар яшайдилар. Бутун масканга соясалқин ташлаб турган катта боғ дам олувчилар ихтиёрида. Бир томонда шиддатсиз тиниқ товланиб турган Чорвоқ сув ҳавзаси, атрофда кўкка бўй чўзган Бурчмулла тоғлари қишининг баҳри-дилини очади.

—Лагеримиз спорт ва саломатлик боғи деб аталиши бежиз эмас,—дейди унинг бошлиғи Ҳамид Иброҳимович Мўминов. — Бу ерга келган ҳар бир студент, албатта, спорт билан шуғулланади. Олимпиада йили бўлганлиги сабабли спорт ишларига янада кўпроқ эътибор беряпмиз. Яқинда лагерлараро спартакиада ўтказилди. Сузиш, волейбол, баскетбол, мини футбол, шахмат шашка, стол тенниси ва бошқа турлар бўйича беллашувлар қизғин бўлди. Бунда командамиз учинчи ўринни эгаллади.

—Маданий-маиший ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳар хил китоблар билан жиҳозланган кутубхона студентлар хизматида. Кино экранида кунора янги бадиий фильмлар намойиш қилинаяпти.

Бу йил лагерда 600 га яқин ёш ҳордиқ чиқаради.

М. ҒАФУРОВА.

● *Рўзғор химияси хизматингизда*

КАНА ВА СУВАРАК КУШАНДАСИ

Уйда суварак, хона канаси кўпайса, уни қандай йўқотса бўлади, шу тўғрида мутахассис маслаҳатини берсангиз.

Ҳ. ЛАТИПОВА, З. ХУЖАЕВА, уй бекалари.

Уйларда суварак (таракан) ва хона канаси (клопа) кўпайиши кишиларнинг сиҳат-саломатлигига зарар келтиради. Хўш, уларни қандай йўқотиш мумкин?

Аввало, дезинфекция деган илмий терминни изоҳлайлик. Дезинфекция хона зараркунандаларига қарши кураш ҳисобланади. Маълумки, хонада зараркунандаларнинг пайдо бўлишига тозаликка риоя қилмаслик сабаб бўлади. Шинам, тоза-озода хонада зараркунандалар кўпая олмайди. Шунинг учун уларга қарши курашнинг энг самарали усули даврий профилактика ҳисобланади. Агар профилактика самара бермаса, оғир артиллерия— заҳарли химикатларни ишга солишга тўғри келади.

Инсектицидлар асосан эритма, эмульсия, кукун, суспензия, махсус қалам ва аэрозол ҳолатида қўлланилади. Уй шароитида суюқ препаратларни бўёқчилар чўткаси, порошокларни эса икки қаватли дока ёрдамида юзага ўтказилади. Ҳамма хонани, иложи бўлса бутун бир домга бирваракайига ишлов берган яхши. Унутмангки, заҳарли химикатлар билан ишлашда техника ҳавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилинг. Фақатгина магазин ва аптекаларда сотиладиган химикатлардан фойдаланиш керак. Тўғри келган химикатлардан фойдаланиш қатъий ман қилинади. Химикатлар махсус жойда, озиқ-овқатдан узоқ мос келадиган қоғозлар билан ёпиб қўйилган берк идишларда сақланиши керак.

Химикатлар билан ишлов беришда холодильник ёпилиши, озиқ овқатни берк идишларга ёки полиэтилен пакетларга яхшилаб жойлаш зарур. Гуллар, аквариумларни, қафасдаги қушларни хонадан олиб чиқиш керак. Инсектицид билан ишлов беришда бурун ва оғизни дока билан, махсус респираторлар билан беркитиш керак. Бошни рўмол билан ўраш зарур. Кўзни ҳимоя қилиш, иложи борича кўзойнак тақиш керак. Ишлов пайтида чекиш тақиқланади. Заҳарли химикатлар билан ишлаш фақат соғлом кишиларга рухсат этилади. Ишлов бериб бўлгач, буюмларни ювиш, қўл ва танани тозалаш учун яхшилаб чўмилиш керак.

Хона дезинфекция қилингач, икки-уч соат давомида шамоллатилиши шарт.

Сўнгги пайтларгача хона канасини йўқ қиладиган самарали химикат хлорофос ҳисобланарди. Аммо канада худди бошқа зараркунандаларда г и сингари ақл бовар қилмайдиган қобилият мавжуд. Чунки уларнинг авлодлари заҳарли моддаларга мосланиб, унга ядохимикатлар умуман таъсир қилмай қўяди. Мосланишнади, гўёки бу заҳарли моддалардан «кайф» қиладилар, бир оз жонсизланиб яна баралла ҳаёт фаолиятини давом эттираверадилар. Буни фанда олимлар резистенцияланиш, яъни заҳарга нисбатан сезги йўқолиши деб атайдилар.

Ҳозир бу препаратдан юз ўгириш керакми? Ҳаммага маълумки, мамлакатимизда кўп тоннали заводлар унга мослашган, уларни қайта янги заводга айлантириш миллионлаб зарар келтиради. Ихтиночи химиклар янги усуллар устида бош қотиришмоқда. Ҳар қалай уларнинг меҳнати самарасиз қолмаяпти. Бунга «Хлорак» препаратини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Қаттиқ ҳолатдаги бурани хлорофос билан аралаштирилса, гўё ки унга ҳеч бир таъсири йўқдек туюлади. Бу аралашма сув билан эритилса, улар ўртасида химиявий таъсир бошланиб, натижада хлорофос зараркунандага— заҳарли бошқа бир моддага айланади. Бу янги препарат ДДВФ деб ном олди. Бу модда учувчан бўлганлиги ва кам вақт сақланганлиги учун уни ядохимикат сифатида ишлатиш қийин. Хлорофос эса бура сингари қуруқ ҳолатда учувчан эмас. Шунинг учун «Хлорак» эритилганда ДДВФнинг ҳосил бўлиши аста-секин содир бўлади. Эритма билан юзани ҳўллаш натижасида анча узоқ мулдатда эритма пленкасида моддаларнинг зараркунандани нобуд қила оладиган маълум бир концентрацияси ҳосил бўлади, аммо у инсон организмига унчалик зарарли эмас. Бу инсектопрепарат актив моддалардан ташқари таркибида тўлдирувчи моддалар (натрий сульфат, натрий хлорид ва бошқалар)дан ташкил топган. У химия саноатининг Бутуниттифоқ илмий текшириш ва лойиҳалаш институтининг Москвадаги филиалида ишлаб чиқарилган. У яқин кунларда магазинларга чиқиб қолса керак. Аммо ҳозир магазинларда мавжуд «Прима—71», «Трихлофос» препаратларидан фойдаланиш мумкин. Мутахассислар томонидан, бу препаратлардан ташқари «Тальфтон», «Фосфолон», «Хлораль» сингари ядохимикатлардан ҳам фойдаланиш тавсия этилган.

А. ИКРОМОВ, **химия фанлари кандидати, инженер.**

ҲОДИСА

ЙЎЛ ҚОИДАСИНИ БУЗГАНИ УЧУН

Йўл ҳаракати қоидаларида йўл белгиларидан бири тўхтамасдан ўтишни тақиқлайди. Якка-ю ягона олти қиррали бу белги йигирма бешта доира шаклидаги «шериклари орасида ўзининг хавф-хатардан огоҳлантирувчи қизил ранги ҳамда оқ рангдаги лотинча «Стоп» ёзуви билан ажралиб туради. Шунга қарамай, Тошкент Давлат автоинспекцияси навбатчи қисмининг ходимлари тасодиф содир бўлган жойга— Зиё Саид ва Тўкимачи кўчалари чорраҳасига келиб ҳайрон қолишди.

Йигирма уч йиллик иш стажига эга бўлган вагон бошқарувчи Ш. Мусаев шу куни РВЗ—6 2173 номерли трамвайни бошқарар эди. У Тўкимачи кўчасида бораётиб чорраҳага келгач ана шундай белгини кўрди. Кўрди-ю, лекин негадир тўхтамай йўлида давом этишга қарор қилди. У йўл белгиси ва қоидасига итоат қилмаганлиги учун жазосини тортди. Чорраҳа ўртасига борганда трамвай А. Абдумаликов бошқариб келаётган ГАЗ—51 33—60 ТНВ номерли юк машинаси билан тўқнашди.

Тўқнашув оқибатида автомобиль шофери 1-шаҳар касалхонасига келтирилди, иккала транспорт воситаси ремонтга, Ш. Мусаев ҳужжатлари эса Давлат автоинспекциясининг маъмурий комиссиясига жўнатилди.

Л. ОФФЕНГЕНДЕН.

(Газетанинг навбатдаги сони 21 августда чиқади).

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.